ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИК МАХОРАТ МАРКАЗИ

Тўхташева Нодира Қахрамоновна

АНДИЖОН ҚЎШИҚЧИЛИК ИЖОДИЁТИ ТАСНИФИ ВА УНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишлари мисолида)

АНДИЖОН-2025

УЎК 378.091.3:78(072)
КБК 74.268.53
Т98

Н.Қ.Тўхташева. Андижон қўшиқчилик ижодиёти таснифи ва унинг олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси. [Монография] – “Omadbek print number one” МЧЖ. Андижон: 2025. – 95 б.

Н.Тўхташева томонидан тайёрланган мазкур “Андижон қўшиқчилик ижодиёти таснифи ва унинг олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси (педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишлари мисолида)” номли методик қўлланма “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” фани дастури доирасида яратилган.

Тақризчилар

Х.Б.Тўхтахўжаев	**Фарғона Давлат Университети профессори**
М.А.Куйчиева	**Аниқ ва табий фанлар методикаси кафедра мудири профессори**
М. Қ. Азизова	**Педагогика,психология ва таълим технологиялари кафедра мудири профессори**

Монография Андижон вилояти Педагогик махорат маркази Илмий кенгашнинг 2025 йил 5-сони йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

ISBN : 978-9910-11-546-2

6051

© Н.Қ.Тўхташева
© Omadbek print number one

МУНДАРИЖА

І-БОБ. АНДИЖОН ВОХАСИ ҚЎШИКЧИЛИК ИЖОДИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ.

1.1.Андижон вилояти қўшиқчилик ижодиёти тарихи.

1.2.Андижон вилояти қўшиқчилик ижодиётининг умумназирий масалалари.

1.3.Андижон воҳаси қўшиқчилик ижодиёти таснифи.

Боб бўйича хулосалар.

ІІ-БОБ. АНДИЖОН ҚЎШИКЧИЛИК ИЖОДИЁТИНИ ОТМДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКА.

2.1. Андижон вохаси қўшикчилик ижодиётини таълим тарбиядаги ўрни.

2.2. Мусиқа таълими йўналишаларида Андижон қўшикчилик ижодиётининг ўқитиш методикаси.

2.3. Андижон қўшикчилик ижодиётини ўқитиш бўйича методик тавсиялар.

Боб бўйича хулосалар.

ІІІ-БОБ. ТАДҚИҚОТ БЎЙИЧА ТАЖРИБА - СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ВА УНИНГ АМЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ УСУЛЛАРИ.

3.1. Тажриба синов ишларини ташкил этилиши.

3.2. Тажриба синов натижаси асосида тўпланган материаллар.

ХУЛОСАЛАР.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизни мустақил давлат тараққиёти йўлида баркамол авлод тарбиясидаги эътибори ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Ҳар томонлама ривожланган, жисмонан ва ақлан етук шахсни тарбиялаш жамиятимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистонда инсон омили, инсон манфаати давлат ривожланиш дастурининг асосий вазифалари қаторида турганлигидан далолатдир. Ватанимизнинг келажаги бугунги ёш авлоднинг илмий салоҳияти, мустақил ва оқилона фикр юрита олишларига ҳар томонлама боғлиқлиги Давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ шахс тарбиясига, унинг маҳнавиятини шакллантиришга алоҳида эҳтибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилнган ҳамда изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда хаётимизнинг барча жабхаларида, энг муҳими, ҳалқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маҳнода, Ҳаракатлар стратегияси[1] Ўзбекистонни тез сурҳатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак, айни ҳақиқат бўлади. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишининг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида таълим ва фаннинг ривожлантириш: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, болаларни бўш вақтлаирни мазмунли ўтказиш, уларни мусиқа ва санъатга жалб қилиш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш белгилаб берилган.

---

[1] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда: ”Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак”[2]. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши ҳамда ушбу ҳужжатлар моҳиятига кўра узлуксиз таълим тизимининг шаклланганлиги таълим тарбия асосларини яратишда муҳим аҳамият касб этди. Таълим-тарбия жараёни якунида мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Миллий мусиқа ижодиёти ҳар бир халқнинг улкан маънавий бойлиги ҳисобланади. Унинг таркибидаги энг оммавий, тарбиявий-таъсирчан халқ қўшиқлари ўзининг ғоявий-бадиий мазмуни, халқ ҳаётининг барча қирраларини ифода этиши каби хусусиятлари билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маърифий ва эстетик дунёқарашини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек “Ҳар қандай халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади”[3].

Ўзбек халқининг миллий маънавий мероси, маданий бойликлари, миллий қадриятлар тизимида халқ қўшиқчилик ижодиёти алоҳида мавқега эга бўлиб, у халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, маросимлари, тарихий, диний, фалсафий қарашлари, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва мавқеи, меҳнати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзида маънавий-маҳрифий ғояларни мужассам этади. Билим олиш, илм ўрганиш, инсоний фазилатлар ҳисобланган одоб, ахлоқ, тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик, иймон-эътиқод, ватанни севиш, уни қадрлаш, асраш, керак бўлса жонини фидо қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилиш, ота-онани, қариндош-уруғларни, қўни-қўшни умуман олганда инсон зотини ҳурмат қилиш, она табиатни эъзозлаш каби умуминсоний фазилатларни мадҳ этувчи миллий ва замонавий қўшиқларни ўрганиш ва куйлаш ўз-ўзидан ёшлар қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотиши, уларда инсоний фазилатларни шаклланишига бадиий-эмоционал таъсир этиши ҳеч шубҳасиз. Чунки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жуда кўплаб халқ ижодиётидаги куй-қўшиқлар, мумтоз ва мақом ашулалари, қўшиқчилик

---

[2] И.А.Каримов “Ёшларимиз-халқимизнинг ишончи ва таянчи” Тошкент “Маънавият” 2006-йил 13-бет

[3] И.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. –Т.: “Маънавият”. -2008-йил, 30-бет.

ижодиётида бевосита халқнинг яратувчилик қудратини маҳсули бўлиб, уларнинг тарбиявий таъсир кучи энг аввало улар мазмунидаги гўзаллик, улуғворлик, жўшқинлик ҳис этиб яшаш, ҳаётга бўлган қизиқувчанликни ошириш, унга ишонувчанлик туйғуси билан қараш, тушкунлик, ғамгинлик, маъюслик ҳис-туйғуларини сезувчанлик хусусиятларига эга эканлигидадир. Бундай асарларни тинглаш, таҳлил қилиш, яратилиш тарихи, моҳир ижрочилари, ғоявий-бадиий мазмуни ҳақидаги суҳбатлар ўқувчи-ёшлар қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотади, идеал образлар тимсолидаги олийжаноб фазилатларни эгаллашга илҳомлантиради.

Андижон ҳақида сўз кетганда шу заминда таваллуд топиб, дунёга довруғ таратган буюк аждодларимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Анда жоним қолди менинг” деган шоҳ сатирлари бот-бот ёдга тушади. Бугунги кунда ҳам Андижонга ташриф буюрганинг тоабад унга мафтун бўлиб, “Анда жони қолиб кетади” десак асло муболаға бўлмайди. Мафтункор гўшамиз Андижонга бу галги сафардан мақсад “ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак”. “Улуғлар ҳақида сўз айтмоқ китоб ёзмоқ анга мушкул иш”. Бу заҳматли меҳнат жараёни ижодкорлардан катта билим тажриба талаб қилади.

Мазкур масалаларни чуқур англаган сайин мазкур магистрлик диссертациямизни мавзусини “Андижон қўшиқчилик ижодиёти таснифи ва унинг ОТМда ўқитиш методикаси” хусусига бағишладик. Чунки, шу кунга қадар бажарилган илмий тадқиқотлар орасида Андижон қўшиқчилик ижодиёти мустақил тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Шу сабабдан ҳам мазкур мавзуни чуқуроқ ўрганиш, Андижон воҳасида мавжуд қўшиқларни бир тизимга солиш, таснифлаш масаласини мақсад қилиб қўйдик.

Андижон қўшиқчилик ижодиёти ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини назарий асослаш, дастлаб, қўшиқчилик ижодиёти тушунчаси ва уни миллий қўшиқчилик жанр таркибидаги ўзига хос хусусиятлари, қолаверса, қўшиқчилик ижодиётининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти таҳлил этилади.

1. Назарий ва методик адабиётларни, мавзуга оид илмий тадқиқотларни фанлараро таҳлил қилиш асосида муаммонинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш;

2. Андижон қўшиқчилик ижодиёти ва унинг ўзига хос хусусиятларини, Андижон қўшиқларини жанр характерини ўрганиш, қолаверса, Андижон миллий қўшиқчилиги деганда нимани тушуниш кераклигини, фарқланишини, уни қайси жиҳатлари билан аниқлаш лозимлигини ўрганиш, илмий таҳлили қилиш ва тегишли хулосаларни баён этиш;

3. Қўшиқчилик ижодиётини ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, бу борада тажриба-синовлар ўтказиш, олинган натижалар асосида илмий хулосалар қилиш;

4. Қўшиқчилик ижодиёти хусусида илмий-назарий хулосаларга келиш ва диссертация натижаларини нашр этиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётини илмий ўрганиш масаласи жуда кўплаб олимлар ҳамда мутахассислар томонидан бир қатор ўрганилган. Жумладан, Фарғона давлат университети ўқитувчиси Султонали Маннопов “Ўзбек халқ мусиқа маданияти” номли ўқув қўлланмасида ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти, мусиқа мероси анҳаналари таркиби, ўзбек халқ мусиқасида маҳаллий услублар, уларнинг таркиби, ўзига хос хусусиятлари хусусида батафсил маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди С.Бекматов “Хофизлик санъати” номли ўқув-услубий қўлланмасида хофиз санъаткорлар тўғрисида маҳлумот бериб, хофизлик санъати сўзинининг луғавий маъноси хусусида батафсил маълумотлар келтирилган. Бироқ, барча тадқиқотларда Андижон воҳаси ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти мустақил тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган. Шу боис мазкур магистрлик диссртациясида Андижон қўшиқчилик ижодиёти ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ўрганишни жазм қилдик.

Андижон воҳасида мавжуд қўшиқлар ва уларнинг таснифи, Олий таълим муассасалари “Мусиқа таълими” таълим йўналишлари, ҳамда ушбу соҳада амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, Андижон вилояти хонандалари, таълим муассасалари. Маълумки ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти мусиқий меросида бешта вокал маҳаллий услуб мавжудлиги, ўзбек халқ мусиқа мерсонинг нақадар улуғворлиги, юксаклиги, ўзига хос ранг-баранг кўринишда эга эканлигидан далолат беради. Ушбу маҳаллий меросда Андижон мусиқа ижодининг ҳам ўзини муносиб ўрни борлигини кўришимиз мумкин. Андижон қўшиқчилиги ҳам ўзиниг хилма-хил кўринишларини намоён этиб, ёшлар тарбиясида ўзиниг сезиларли таҳсирини кўрсатиб келмоқда. Шу боис ҳамда мазкур мавзуни илмий ўрганиш мусиқашунос, санъатшунос, фольклоршунос, файласуф, филолог олимлар, қолаверса, биз каби ёш магистр тадқиқотчилар олдида мазкур масалани жиддий ўрганиш, тадқиқот мавзуси сифатида илмий асослаш масаласи туради. Шундай экан, аввалам бор Андижон вилояти қўшиқчилик ижодиёти хусусида нима кўз олдимизга гавдаланади, қолаверса, қандай жанр, қандай мусиқий асарлар мавжуд, уларнинг таснифи, уларни олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси қандайлиги хусусида аниқ тўхтамга келиш лозим бўлади.

Шундагина ундан таълим муассасаларида, ёки ўқувчи-ёшларни тарбилашимизда тўлақонли фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Шу боисдан ҳам

• Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқларини ўрганиш, уни илмий нуқтаи назардан таҳлили этиш ва айниқса ёшлар тарбиясида таҳсир кучини эҳтиборга олган ҳолда тўғри ёндашиш мумкин бўлади;

• албатта бу ўринда, ўзбек миллий қўшиқчилиги бўйича амалга оширилган тадқиқотларни чуқур ўрганган ҳолда Андижон қўшиқчилиги ва унинг тарбиявий аҳамияти хусусида тўлиқ маҳлумотга эга бўлиш мумкин.

Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётининг умумназарий аҳамияти шундаки, аввалам бор, Андижон қўшиқчилиги ва унинг таснифи хусусида аниқ тўхтамга келинади, қолаверса, бугунги глобаллашув жараёнида Андижон қўшиқчилигини олий таълим таркибидаги ўзгаришлар ва уларнинг ёшлар тарбиясида аҳамияти назарий асосланади. Худди шунингдек, унинг амалий аҳамияти Андижон қўшиқчилиги, таснифи ва унинг ОТМда ўқитиш методикаси илк бор мустақил тадқиқот сифатида ўрганилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилади ва тавсиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг нутқ ва рисолаларида таълим тўғрисида илгари сурган ғоялар, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ҳукумат қарорлари, қонунлар, мазкур ҳужжатларнинг асосий ғояларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, мавзуга доир фалсафий, илмий-педагогик, ижтимоий-психологик манбалар, илмий тадқиқотлар, ўқув-методик адабиётлар, ўзбек миллий мусиқа маданияти бўйича илғор тажрибалар, таниқли, уста хонандаларнинг фикрларини ташкил этади.

Магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, ҳар бир бобнинг бўлимлари, боб бўйича хулосалар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлади.

I-БОБ. АНДИЖОН ВОХАСИ ҚЎШИҚЧИЛИК ИЖОДИЁТИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1.Андижон вилояти тарихи

Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, вилоят сифатида 1941 йилда ташкил этилган[4]. Вилояти таркибида 14 та (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалолқудуқ, Избоскан, Марҳамат, Олтинқўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳристон, Қўрғонтепа) туман, 11 та (Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Қўрғонтепа) шаҳар, 5 та (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйганёр, Полвонтош) шаҳарча ва 95 та йирик қишлоқ (жамоа хўжалиги)ни қамраб олган.

Аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилсада, қирғиз, тожик, уйғур, рус, корейс ва бошқа миллатларни ташкил этади. Қўқон хонлиги даврида Россиядан рус, корейс, украин, татар, яхудий каби бошқа миллатли халқлар кўчиб келган. 2000 йилларда ўтказилган саноқ вақтида шаҳар аҳолиси 659,9 минг кишини, қишлоқ аҳолиси 1639,2 минг кишини ташкил этади. Миллий таркиби, ўзбеклар 88,8%, қирғизлар 3,8%, татарлар 3,1%, руслар 2%ни ташкил этади. Вилоят кесимида аҳолининг зичлиги 1 кв. км. 520 нфар одам тўғри келади.

Андижон атамасининг келиб чиқиши бўйича турли турли афсона ва ривоятлар юаради. Айрим манбаларда шаҳар номи “анди”, “адоқ”, “азоқ”, каби уруғлар номи билан боғлиқлиги айтиб ўтилган. Иккинчи яна бир холат бир даврларда Андижон худудида андилар (хиндлар) яшаган ва шаҳарнинг номи “Андикон” деб номланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Андижоннинг Арк қисмида ҳозирги Бобур маҳалласида ва Шаҳристонда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида VII-VIII асрларга оид буюмларнинг топилиши Андижон вилоятини Ўрта Осиёдаги кўҳна ва қадими шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Ўрта асрларда шаҳар Арки мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Араб халифалиги даврида Андукон дейилган. Андижонда илк бор ёзма манбаларда тахминан X-асрларда араб сайёҳлари Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий асарларида Андукон шаклида таъкидлаб ўтилган. XI асарларга келиб шаҳар Қорахонийлар ҳукмронлиги остида ўтган. XI-XII асрларда Фарғона водийсининг йирик савдо ва ҳунармандлик марказига айланади. Шаҳар мўғиллар истилоси даврида мутолоқо вайрон этилган. Айрим манбаларни қайд этилишича XIII аср охирларига келиб, мўғил хонларидан Тува ва Хайду томонидан қайта тикланган. Андижон XIV

[4] Майдони 4,2 минг кв.км.. Аҳолиси 2296,0 минг киши.

асрларнинг 70-йилларида Фарғона водийси билан бирга Амир Темур асос солган Темурийлар давлати таркибига кирган. XV асрнинг 2-ярмидан А.Темурийлар давлатига қарашли Фарғона вилояти (водийси)нинг пойтахти бўлган. Айниқса, Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Захириддин Мухамад Бобур ўзининг маур "Бобурнома" асарида Андижонни шундай таърифлайди: "Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ эмас. Андижон ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовараунаҳарда Самарқанд ва Кеш (ҳозирги номи Шаҳрисабз) қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқдур. Уч дарвозаси бор, Тўққиз танов сув кирар. Бу ажабдурким бир ердан ҳам чиқмас. Эли туркдир. 1504 йилдан Андижон шайбонийлар қўл остига ўтган. 1710 йилдан Қўқон хонлиги таркибига кирган ва Россия Қўқон хонлигини бутунлай босиб олгунига қадар яъни 1876 йилгача Андижон бекнинг қароргоҳи бўлган. Ўша даврларда Андижонда маҳаллий халқлардан ташқар Шарқий Туркистон (Синьцзян)дан келганлар ҳам яшаган. Шаҳар ўзининг ҳунармандчилик буюмлари, ип ва ипак газламалари билан шуҳрат қозонган. XIX аср ўрталарида Андижон 4 та даҳага бўлинган. Ҳар бир даҳанинг ўз қозиси, мингбошиси ва бошқа бошқарув лавозимлари асосида богқарилган. Даҳалар оқсоқол бошлиқ маҳаллаларга бўлинган. Маҳаллаларда яна бир қатор масъул лавозимлар киритилган бўлиб, улар худди анашу бошқарувчилар томонидан назорат қилинган. 1877 йилда шаҳар ёндош Хоқон (Ҳақан) қишлоғи аҳолиси кўчирилиб ўрнида рус буржуазияси босқинчилари учун шаҳар янги кўринишда қурилган. Шаҳар орасида Россия билан темир йўл орқали боғлангач 1899 йилда аҳолини иш билан банд қилиш, уларнинг қўл меҳнатидан фойдаланиш мақсадида дастлабки корхоналар ташкил этила бошланган.

1898 йилда Андижонда подшо ҳукумати маъмурларининг зулмига қарши Дўкчи Эшон – Муҳаммадали халфа Собир ўғли раҳбарлигида халқ қўзғолони бўлиб ўтди. Қўзғолон ниҳоятда шафқатсизлик билан бостирилади, кўплаб бегуноҳ одамлар ўлдирилди, қўзғолон ташкилотчилари қатл этилди.

Андижоннинг географик жойлашуви ҳам ўзига хос жиҳтларини намаён қилади. Жумладан Андижон кучли сейсмик зонада жойлашган. 1902 йил 16 декабрда 9 балли зилзила бўлиб, маҳаллий аҳоли уйлари бутунлай вайрон бўлган. 1916 йил Андижон меҳнаткашлари подшо ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатига қарши халқ қўзғолонида фаол қатнашди. Бугунги Андижон вилояти мисли кутилмаган даражада ривожланди. Шаҳарда оғир ва енгил санъат ривожлантирилди. Мустақиллик йилларида шаҳарда бунёдкорлик ишлари ривож топди. Андижон вилояти ҳокимияти биноси олдида шаҳарнинг марказий майдони бунёд этилиб, Бобур номи берилди (1991) ва бу ерга унинг от миниб турган ҳайкали ўрнатилди. Майдон атрофида

Охунбобоев номидаги вилоят театр биноси, Бобур номидаги вилоят кутубхонаси, Аббос Бакиров номидаги кинотеатр, Андижон тиббиёт институтининг бош биноси жойлашган. Андижон мамлакатининг фан, маданият марказларидан бирига айланди. Шаҳарда 4 институт, 21 ўрта махсус, касб-хунар таълим ўқув юртлари, 47 умумтаълим мактаби ва 86 мактабгача тарбия муассасаси мавжуд. Олий таълим муассасаларида 10000дан зиёд талаба, ўрта махсус ўқув юртларида 14352, умумтаълим мактабларида 68630 ўқувчи таълим олди. Шаҳарда 3 театр, 25 оммавий кутубхона, 6 клуб, 5 кинотеатр, 5 маданият ва истироҳат боғи, 4 маданият уйи, 3 музей, 3 мусиқа ва санъат мактаби мавжуд. 9 спорт мактаби, 10 стадион, 4 сузиш ҳавзаси, 1 теннис корти (14 майдон), 62 спорт зали ва бир қатор спорт майдонларида аҳоли спорт билан шуғулланмоқда.

1.2.Андижон вилояти қўшиқчилик ижодиётининг умумназирий масалалари

XIX-XX асрларда ижод қилган мумтоз ҳофизлар ҳам асосан ана шу ижрочилик услубларидан кенг фойдаланишган. Бу услублар асосан ижро давомида чуқур нафас олиш, нафасни тежамкорлик билан чиқариш, ашула сўзларини аниқ талаффуз этиб, ғазал мазмунини ифодали қилиб етказишга асосланган. Албатта бу ижролар ўктам, бақувват овозга эга бўлган ҳофизларга насиб этган. Аввало, “ҳофиз” сўзининг маъносини изоҳлаш лозим бўлади. “Ҳофиз” арабча сўздан олинган бўлиб, “ёдда сақламоқ” маъносини англатади. Муборак хадиси шарифларда “ҳофиз” – Оллоҳнинг 99 исмларидан бири сифатида ҳам эътироф этилади. Шунинг учун ҳам ҳофизлик муқаддас касб саналган. Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилиги хусусида гап борар экан, унда мумтоз ашулачилик санъати ҳақида гап борганда, ижро услубларини қуйидаги бир неча йўналишлари мавжуд бўлганлигини ва улар бугунги кунда ҳам ўз кўринишини йўқотмаганлигиин эътироф этамиз:

1. Фарғона ҳофизлик мактаби;
2. Андижон ашулачилик мактаби;
3. Наманган ижрочилиги;
4. Хўжанд ижрочилик мактаби.

Албатта ушбу вилоятлар кесимидаги ижрочилик услубалирда ўзининг таянч ижрочилик мактаблари шаклланганлигини кўриш мумкин. Мисол тариқсида Марғилон услуби, Қўқон ижрочилик мактаби, Янгиқўрғон-Қўқон-Бешариқ услуби. Бу каби ижрочиликнинг ўзига хос кўринишларини изоҳлашда албатта мавжуд бўлган. Юқорида зикр этилган даврларда Фарғона водийсида ҳофизлик санъатининг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Айниқса, Хўжанд ижрочилик мактабидан Содирхон ҳофиз Бобошарипов, Умархон,

Тўрахўжа, Абдуқаюм, Каримжон ҳофизлар; Қўқон, Марғилон, Андижон ижрочилик мактабининг намоёндалари - Ҳамроқул Қори, Деҳқонбой, Ашурали ҳофизлар, Эрка қори Каримов, Рахмон ҳофиз (Раҳмон тик), Сангил Ҳофиз, Саидқул, Эшмат ҳофиз, Умрзоқ полвон, Мадали ҳофиз, Зохидбек, Болта ҳофиз, Хайдарали Ҳикматов, Матхолиқ, Холқора ҳофизлар; Андижон-Марғилон мактабидан Беркинбой Файзиев, Абдулла Файзуллаев, Мамадбобо Сатторов, Жўрахон Султонов, Маҳмуржон Узоқов, Солижон Хошимов сингари ҳофизлар шулар жумласидандир. Бу номларни сонини янада кўпайтириш мумкин. Фарғона мумтоз ҳофизлик санъатининг энг юқори чўққиси бўлган “Катта ашула” ижрочилик йўли фақат водийлик ҳофизлар томонидан маромига етказилиб ижро этилиб келинган. Юқорида номлари зикр этилган ҳофизлар бу мураккаб йўлни бетакрор ижрочилари бўлганликларига тарих шохиддир. Машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён” романида Қўқон хони Худоёрхон саройидаги аёл ҳофизлар тўғрисида аниқ маълумот беради. Нусрат ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Тош ҳофиз, Зебохон, Ботирбоши хола, Тилло ҳофиз, Тожихон ҳофиз, Хон оғача, Ражабхон ҳофизларниниг номлари зикр этилади. Шундан кўринадики, ўша даврларда мумтоз ҳофизлик санъатига эркак ҳофизларимиз билан бир қаторда аёл ҳофизларимиз ҳам муносиб улуш қўшишган. ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб Фарғона водийсида мумтоз ҳофизлик санъати гулдастаси навбатдаги авлод қўлига ўтди. Очилхон Отахонов, Одилжон Юсупов, Муроджон Аҳмедов, Расулқори Мамадалиев, Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров сингари ўнлаб ҳофизлар шулар жумласидандир.

Буюк мустақиллигимиз шарофати билан анъанавий хонандалик санъатимиз ривож топмоқда. “Шарқ тароналари” халқаро анжуманида, кўрик-танловларда ҳофиз ва хонандаларимиз эришаётган муваффақиятлари ҳофизлик санъатимизнинг янги келажак авлод қўлига топширишда кўприк бўлиб хизмат қилмоқда. Ота-боболаримиз асрлар мобайнида эъзозлаб, сайқал беришиб, катта ижодий изланишлар билан ўз елкаларида келган буюк санъатимиз хазинасини, мумтоз ҳофизлик ижрочилиги анъанасини бугунги кунда етишиб чиқаётган авлод вакиллари келгуси асрларга шараф билан ўтиб келмоқда.

Вилоятда 10 дан ортиқ фолклор-этнографик ансамбллар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамоаларда 500 нафардан зиёт 7-70 ёшгача ёшу қарялар фаол ижод қилмоқдалар. Улар томонидан халқимизнинг унутилмас мусиқа анъаналари бардавом этмоқда. Жумладан, қуйида Хўжаобод туманидаги “Гулёр” хамда “Дўстлик” фолкьлор-этнографик ансамбларнинг ижросидаги дастурдан намуналарни баён этмоқчимиз. Улар дастурларида “Шукрона”,

“Чанқовузда оқ пахтам куйи”, “Ўзбекистон қўшиғи”, “Ёшлигим қўшиғи”, “Ўрик-ўрик қўшиғи”, “Рақс”, “Ўлан” каби қатор халқ айтимлари жой олган.

Андижон вилоятидан Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Сойиб Хўжаев, Аббос Бакиров, Ғанижон Тошматов, Музаффар Муҳамедов каби йирик санъаткорлар, Фаттоҳхон Мамадалиев, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар каби халқ ҳофизлари, Ҳабиба Охунова, Шерали Жўраев, Турғун Хонтўраев, Ҳошимжон Олимжонов каби Ўзбекистон халқ артистлари, Тошканбой Эгамбердиев (Асакадан) бошлиқ дорбозлар сулоласи етишиб чиққан. Андижон вилоятида 5 маданият ва истироҳат боғи, кўплаб кўкаламзор хиёбонлар бор. Айниқса Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи (1934 йил ташкил этилган) машҳурдир. Рамзий бургут остидаги қаҳвахонага уйғунлаштирилиб қурилган „Амфитеатр” (2000) байрам тантаналари ва бошқа томошалар ўтказиладиган масканга айланган. Андижон шаҳрининг жанубий-шарқида Боғишамолда 300 га майдонни эгаллаган Бобур номидаги миллий боғ (Боғи Бобур), Андижон шаҳрининг марказий қисмида Чўлпон боғи ташкил этилди. Андижон вилоятида зиёратгоҳ жойлар кўп. Султонобод, Хонобод, Андижон денгизи каби жойлар чет эллик сайёхларда катта таассурот қолдирмоқда. Хўжаобод туманида Бобур қадамжоларидан бири – Лотконтепада ажойиб зиёратгоҳ барпо этилган. Бу зиёратгоҳ Ширмонбулоқ, Чилустун тоғлари билан туташиб кетган. Асака, Шаҳрихон, Пойтуғ, Қўр қадамжоларидан бири – Лотконтепада ажойиб зиёратгоҳ барпо этилди. Бу зиёратгоҳ Ширмонбулоқ, Чилустун тоғлари билан туташиб кетган. Асака, Шаҳрихон, Пойтуғ, Қўрғонтепа шаҳарлари халқ ҳунармандчилиги бадиий буюмлари тайёрлаш билан машҳур. Вилоятда 14,1 минг ўринли (10 минг кишига 64 ўрин) 70 касалхона муассасаси, 6233 врач, шу жумладан 317 стоматолог (10 минг кишига 28,7 врач), 22 минг ўрта маълумотли тиббий ходим, 5 санаторий бор (2000). Андижон шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг бўлими ишга туширилди (2000). Спорт Андижон вилоятида спортчилари спортнинг 37 тури бўйича турли даражадаги. Адабиёти Андижон оламшумул шухрат эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегимлар юрти. XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси Абдулҳамид Чўлпон Андижонда таваллуд топган. Бу ерда Зокиржон Ҳабибий, Оразий, Восит Саодулла, Хошимжон Раззоқов, Сайфий, Анисий, Азимий, Боқир каби ўнлаб ғазалнавислар яшаб ижод этдилар. Шу заминда шаклланиб обрў эътибор қозонган Собир Абдулла, Султон Жўра, Комил Яшин, Тўхтасин Жалолов, Сайда Зуннуновалар ўзбек адабиёти ривожида алоҳида ўрин ва мавқега эгадирлар. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида шеъриятда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Холдор,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маъданият ходими, Ўзбекистон халқ хофизи Тўхтасин Жалолов, Сайда Зуннуновалар ўзбек адабиёти ривожида алоҳида ўрин ва мавқега эгадирлар. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида шеъриятда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Холдор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Турсуной Содиқова ва Холдоржон Қуронбоев, истеъдодли шоирлар - Фозил Эмин, Ҳалима Қорабоева, Исмоил Тўлак, Ханифа Солиҳова, Абдуҳалил Қорабоев, Шукур Қурбон, Усмонхон Шукуров, Фарид Усмон, Замира Рўзиева, Қобил Мирзо, Мунаввара Тиллабоева, Хуршида, Наби Жалолиддин; насрда Хабибулло, Қамчибек Кенжа, Сотволди Ражабов, Убайдулла Содиқов, Одилжон Олимов, Омина Тожибоева; драматургияда Раҳбар Файзибоева, Заҳриддин Муҳитдинов, Назиржон Раҳимов, Зиё Нажмий; болалар адабиетида Муқимжон Ниёзов, Одил Абдураҳмонларнинг номлари кенг Абдураҳмонларнинг номлари кенг танилган. Нусрат Абдусаломов, Ҳабиб Сиддиқ, Нажмиддин Икромов, Рафиқ Мухтор, Дилмурод Шокиров, Хамидулло Юсупов, Муборак Қосимова бир неча ўнлаб шоир ва адиблар ўз асарларида мустақиллик даври ҳаётини акс эттирмоқдалар. Андижон вилоятида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483- 1530) - шоҳ, саркарда, шоир, буюк сулола асосчиси, санъат шайдоси ва ватанпарвар инсон, Нодира (1792 - 1842) – шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби каби яшаб ўтган. Манбалар устоздан шогирдга ўтиб, доимий равишда мукаммаллашиб, сайқаллашиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик хусусиятига эга бўлган, жонли ижро шароитлари ва кундалик амалиётда бизгача етиб келган. Шунингдек, халқ ижодининг бир қатор қадимий намуналари ёзма манбаларда, тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларида, қоятошларда (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, уй-рўзғор буюмларида сакланиб келган. Халқ ижоди намуналарида халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий ва маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жамиятга қарашлари, эотиқоди ва диний тасаввурлари, инсон ва оламга нисбатан ҳис-туйғулари, бадиий олами, билим даражаси, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Халқ ижоди қадимдан ифодасини топган. Халқ ижоди қадимдан ривожланиб келган. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши билан ижоди жанрларига нисбатан истеододли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, масхарабозлар, қизиқчилар,қўъирчоқбозлар, раққослар, машшоклар, наққошлар, кулоллар,ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳ.к. санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо унинг яратилиши ва ўзлаштирилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ёки амалиёт қадимдан қарор топган

мустаҳкам анъаналар доирасида воқе бўлиши сақланиб келган. Ҳар қандай бадиҳа, ижодий хаттиҳаракат, янгилик барқарор анъаналар ва устоз-шогирд муносабатлари доирасида рўй берган. Бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фолклор), халқ мусиқаси (мусиқа фолклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (рақс), қўғирчоқбозлик, дор ва ёғоч оёқ ўйинлари (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий безак санъати ҳамда техникавий ва бадиий ҳаваскорлик каби ижодиёт турлари. Яратилиши ва ижодий жараёнида кўпчиликнинг иштироки бўлган Халқ ижоди нинг турлари халқ турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, доимий равишда мукаммаллашиб, сайқаллашиб, тобора аноанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийли хусусиятига эга бўлган, жонли ижро шароитлари ва кундалик амалиётда бизгача етиб келган. Шунингдек, Халқ ижодининг бир қатор қадимий намуналари ёзма манбаларда, тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларида, қоятошларда (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, уй-рўзғор буюмларида сакланиб келган. Халқ ижоди намуналарида халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий ва маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жамиятга қарашлари, эътиқоди ва диний тасаввурлари, инсон ва оламга нисбатан ҳистуйғулари, бадиий олами, билим даражаси, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Халқ ижоди қадимдан ривожланиб келган. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши билан халқ ижоди жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, масхарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, раққослар, машшоклар, наққошлар, кулоллар, ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳ.к. санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо унинг яратилиши ва ўзлаштирилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ёки амалиёт қадимдан қарор топган мустаҳкам анъаналар доирасида воқе бўлиши сақланиб келган. Ҳар қандай бадиҳа, ижодий хаттиҳаракат, янгилик барқарор анъаналар ва устоз-шогирд муносабатлари доирасида рўй берган. Бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро ёки амалиёт давомида ўзгартиришлар, янгиликлар киритилган, янги асарлар, вариантлар юзага келган. Қай бирлари унутилиб, ижро ва амалиётдан тушиб қолган. Халқ ижоди профессионал санъатнинг юзага келиши ва ривожида катта ўрин тутади. Ўз навбатида, профессионал санъат ҳам халқ ижоди ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда. Жамиятда Халқ ижоди намуналарини сақлаш ва ривожлантириш, йўқолганларини тиклаш

эҳтиёжи ўзининг эстетик талабларини қондириш, яхши яшаш ва ҳаётини мукаммаллаштиришга бўлган интилишидан келиб чиққан. Бугунги кунда халқ ижодини сақлаш ва ривожлантириш учун катта имконият ва шароитлар яратилган. Умумдавлат миқёсидаги музейлар ва қўрихоналарнинг ишлаётганлиги, Халқ ижоди намуналарининг илмий ўрганилиши ва нашр этилаётганлиги, кўплаб фолклор этнографик ансамбларнинг мавжудлиги, бадиий ҳаваскорликни юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги бунинг тасдиқидир. Халқ оғзаки бадиий ижоди (фолклор). Инсон нутқи шаклланиши билан халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимий тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилик бадиий тафаккурининг турли шаклларини ўз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан маҳкам боғланган бўлиб, қадимий одамларнинг диний этиқоди ва мифологик қарашларини, бошланғич илмий (эмпирик) билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қадимги фолклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган, балки уларнинг излари ва айрим қисмлари халқнинг яшаш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли-туман тасаввур ва қарашларида, халқ урфодатлари, удумлари, маросимлари, байрамлари таркибида, баъзи бир ёзма манбаларда, кейинг даврларда ёзиб олинган фолклор асарларида қолдиқ ҳолидагина сақланиб қолган деган тахминга бориш мумкин. Яна бир нарсани унутмаслик керак, аҳолининг кундалик турмуш тарзини ўзгариши, ўзларининг яшаш шароитларини маълум даражада ўзгартириши, либос ва бошқа ҳолатлар халқ мусиқа ижодида ҳам маълум даражада ижобий таъсир кўрсатганлигини ҳам ёдда тутмоқ лозим. Айниқса, жуда қадимги даврларда ёзувнинг юзага келиши натижасида халқ оғзаки бадиий ижоди билан тарихан боғлиқ адабиёт ҳам пайдо бўлди. Бадиий матннинг айрим ижодий (ёзувчи, шоир, драматург) фаолияти билан боғланиши, муайян ижодий ҳаракат сифатида ёзув билан мустаҳкамланиши адабиётнинг асосий хусусияти сифатида таъкидласакда инсониятнинг бадиий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фолклордан барча эстетик тушунчалар ва бадиий шаклларни

олганлигига қарамай, ўзига хос бадият қонуниятлари асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фолклор ҳам у билан биргаликда ёнмаён яшаб келди. Чунки кишилик жамиятининг умумий эстетик талаби ва эҳтиёжи узоқ йиллар давомида фақат адабиёт билан эмас, балки фолклор билан ҳам мустаҳкам боғлиқ бўлди. Сўз санъатининг икки турини мустақил ривожи, адабиёт ва фолклор асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма-хиллиги уларнинг

ўзларига хос хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада адабиёт ва фолклор ўзларига хос муайян эстетик тизим, жанрлар таркиби, бадиий хусусиятларга эга бўлган сўз санъатининг мустақил икки тури - оғзаки ва ёзма тури сифатида ривожланишда давом этди. Яратувчилик ва ижрочилик жараёнининг оғзакилиги ва унда кўпчилик еттидан етмиш ёшгача бўлган аҳолининг иштирок этиши (жамоавийлик) халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий хусусиятидир. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлик, оммавийлик, анонимлик (муаллифининг номаълумлиги) каби кўпдан-кўп белгилари фолклорга хос ижодий жараённинг ана шу бош хусусияти доирасида намоён бўлади.

Фолклор намуналари аҳоли орасида яратилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, манзур бўлганлари оммавий шаклланиб, репертуар бойиб бориши таъминланган. Бунда бадиий шаклларнинг баркарорлиги (турғунлиги), матндан матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги, ўхшаш сайёр сюжетларнинг кўплиги имконият яратади. Ҳар бир ижодкор ижрода анъанавий асардаги нималардир ўзгаради, нималардир аввалгисидан бошқачароқ талқин этилади, нималардир қўшилади ёки тушиб колади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий муҳит, маиший шароит, тингловчилар талаби ва ижрочи (ижодкор) салоҳиятига боғлиқ. Лекин ҳар қандай ўзгариш, ижро давомидаги қайта ижод асрлар давомида муракаблашган пухта анъаналар доирасида содир бўлади. Демак, жонли оғзаки анъана доирасидаги бадиҳагўйлик фолклор асарларининг кўп вариантларида тарқалишига олиб келади. Халқ оғзаки бадиий ижодининг деярли барча жанрлари турли-туман ижрочи ва ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ. Истеъдодли ижодкорлар фолклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш билан бирга оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммаллаштирадилар, баъзан янгиларини ҳам ярата оладилар. Бироқ бунда баркарорлашган ва қатъийлашган жамоавийлик анъаналари етакчилик қилади. Айрим оммавий характерга эга бўлган жанрлар мисол тариқасида фолклор ижрочилиги намуналарини куйлаш ижрочи учун маълум тайёргарликни талаб қилган. Шу тариқа халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос касбий ижодкорлик юзага келган. Ўзбек фолклорида ижодкор ва ижрочиларнинг касбийлашуви ниҳоятда тез суръатлар билан ривожланган. Бахшилар, эртакчилар, аскиябозлар, қизиқчилар, дорбозлар ижрочилиги профессионал санъат сифатида эгаллаш учун бўлғучи ижодкор махсус тайёргарлик кўриши ва муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган. Достон, қўшиқ, ялла, лапар ва бошқалар халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиш билан бир қаторда муайян ижтимоий-маиший функцияларни ҳам адо этади. Масалан, “Ёр-ёр”,

“Ўлан”, “Лапар”, “Келин салом”, “Йиғи”, “Йўқлов” сингари оилавий маросимлар билан боғлиқдир. Фолклор жанрлари ғоявий бадиий хусусиятлари билан эмас, балки ижро усуллари (якка ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз) жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг бири куйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошқаси кўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам куйлаш, ҳам ўйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади. Фолклор жанрлари қанчалик хилма-хил, баъзан ўта функционаллашган ва қатъий миллий мусиқийлашган бўлишига қарамай, улар яхлит бадиий тизимни ташкил этади. Фолклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий фолклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан узвий боғлиқ. Халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар асосида улар ҳам ўзгара борган, маълум маънода ривожланган. Қайси бир жанр ёки намуналар бутунлай йўқолган, янгилари юзага келган. Шунинг учун ҳам уларда кўп қатламлилик мавжуд бўлиб, узоқ йиллар давомида айрим даврларга келиб, баъзан ўз кучини йўқотиб, баъзан эса кўрсатиб келган. Жанрларнинг босқичли тараққиёти ва тарихий типологик нуқтаи назардан қараганда, энг қадимги даврларда бутун дунё халқларида бўлгани каби мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, топишмоқ ва мақоллар, олқиш ва қарғишлар, мавсум маросим фолклори намуналарини кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Кейинги даврларда қаҳрамонликни мадҳ этувчи достонлар, кейинроқ романик эпос, лирик ва тарихий қўшиқлар, халқ боғизаки ижоднинг бошқа намуналари пайдо бўлганлигини кўриш мумкин.

Халқ оғзаки бадиий ижод намуналари ўзбек миллий маданиятининг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қийматга эга. У халқнинг тарихи, маишати, урф-одатлари, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзу умидлари ҳақида кенг билим беради. Унда халқ бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Эстетик сезгилар ривожида, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Фолклор профессионал санъат турлари адабиёт, театр, мусиқа, кино ва бошқа тараққиётида муҳим рол ўйнади. Халқ мусиқаси (мусиқий фолклор) оғзаки анъанадаги мусиқа тури. Ибтидоий санъатда пайдо бўлган ўйин усуллари, айтимлар, товушли сигналлардан тортиб халқ айтим ва чолғу куйларида умумназарий шакл ва жанрлардан иборат бўлганлигини кўриш мумкин. Бошқа мусиқа турларидан, асосан, турмуш жараёни (урф-одат, маросим, байрам ва бошқалар)га бевосита боғланганлиги билан ажралиб туради. Аксарият мусиқий фолклор намуналари соф эстетик ҳодисалар маъносида эмас, кундалик ҳаёт (маиший, меҳнат, маросим ва бошқа) вазифаларни бажарадиган бадиий шакллар сифатида қарор топади. Кўпгина халқ мусиқаси намуналари

синкретик шакллар бўлиб, буларда куй-оҳанглар сўз (кўшиқ, терма, лапар), рақс (рақсли куйлар), томоша (мусиқий томоша) билан уйғунлашган ҳолда юзага келади. Муайян бадиий анъана ва шакл (масалан оҳанг) андозаларига асосланган халқ мусиқа намуналари турли давр ва шароитда тингловчилар ёки ижрочилар таркиби, ижро этиш вақти, жойи ва муҳитига қараб ўзгараиб келади. Шунинг учун ҳар бир мусиқий фолклор намунасининг бир неча варианти мавжуд бўлган. Мусиқий фолклор намуналари бадиий мазмун жиҳатидан эпик (терма, қиссахонлик, афсона, ривоят айтимлари каби), ва лирик (қўшиқ, лапар, ялла, марсия ва бошқа) турларга, ижро этиш шароитига қараб-маиший, маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари ва бошқа турларга ажратилади. Халқ мусиқаси намуналари аҳолининг бадиий онгининг маҳсули сифатида яшаб келган бўлсада, якка ҳолда ҳаваскор хонанда (гўяндачи, қўшиқчи, ашулачи, халфа ва бошқа), созанда (дўмбракаш, дуторчи, танбурчи, чолғучи) томонидан, шунингдек, ансамбл ёки жамоавий тарзда ижро этилган. Халқ мусиқаси миллий мусиқа услубининг асоси, бастакор ва композиторлар ижоди, оммабоп мусиқанинг муҳим манбаидир. Мусиқий фолклор, ўз навбатида, профессионал мусиқа санъати билан ўзаро чамбарчас алоқада ривожланади. Ҳозирги даврда халқ мусиқа намуналарининг қадимий ва ўзгартирилгани, шунингдек, улар асосида янгидан яратилганлари мавжуд. Халқ мусиқаси таркибида чолғу асбобларининг хилма-хиллигини кўриш мумкин. Улар халқлар орасида турлича номланиб келган. Масалан, қирғизларда кўмуз, украинларда бандура ёки асрий тарихий-маданий алоқаси ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қорақалпоқларда дутор номи билан машҳур бўлган. Халқ мусиқаси намуналарини ижро этиш муҳити ва бошқа хусусиятларини ёзиб олиш билан мусиқий этнография, тадқиқ этиш билан мусиқий фолклористика этномусиқашунослик фани шуғулланиб келмоқда.

Маълумки, халқ театри - халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ санъат тури. Илк кўринишлари ов ўйинлари, деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ қадимий маросим ҳамда байрамларда пайдо бўлиб, тараққий этган, халқ санъати даражасига кўтарилган. Дастлабки даврларда халқ маросимларда сўз ва ўйин билан бир қаторда қўшиқ, рақс санъати жуда ривожланган. Кейинчалик жамият тараққиёти давомида халқ театри мустақил ижодий соҳа сифатида ажралиб чиққан. Жаҳон халқлари халқ театрида жонли актёрлар театри ва қўғирчоқ театри жонли актёрлар театри ва қўғирчоқ театри мавжуд бўлиб, улар доимо ўз устида ишлаб, аҳоли назоратидан ўтиб турган. Халқ қўғирчоқ театри қўғирчоқлар минг кўриниши, уларни ўйнатиш усулига кўра хилма хил. Уларда кўпроқ эртак, афсона ва бошқа саҳналаштирилган. Халқ театри тўла маънода профессионал бўлмасада, қатнашчилари малакали, истеъдодли кишилардир. Жумладан, Қадимги Римда мимлар, Ғарбий

Европада шпилманлар, жонглёрлар, Россияда скоморохлар, Ўрта Осиёда масхарабозлар, шунингдек, турли мамлакатлардаги қўғирчоқбозлар ва бошқа Халқ театри актёрлари ёлғиз ёки маълум бир тўдага уюшиб, шаҳар ва қишлоқларда юриб, тўй, сайил ва байрамларда, кўпинча очиқ майдонларда томоша кўрсатишган. Улар репертуаридан халқ оғзаки ижодига асосланган томошалар, кейинчалик турли адабий асарларнинг халқ театрига мослаштирилган вариантлари ўрин олган. Кийим ва жиҳозлар, ҳаракат ва ҳолатлардаги яққол шартлилик халқ театри учун (умуман, фолклор санъати учун ҳам) хос хусусиятлардан бири бўлган. Халқ театрида актёрлар ўйин давомида томошабинлар билан бевосита мулоқотда бўлган. Халқ театрининг одатда, на саҳнаси, на декорацияси бўлган. Унда диққат, асосан, томоша қаҳрамони характерини очишга эмас, балки вазият, ҳолатларнинг кулгили ва фожиавий чиқишига қаратилган. Халқ драмасида икки-драматик (қаҳрамонлик ёки романтик) ва комик персонаж мавжуд бўлиб, драматик персонажларга, асосан, дабдабали муомала услуби, комик қаҳрамонларга эса ҳазил ва ҳажвий усуллар, сўз ўйини хосдир. Халқ театри негизида муайян ижодий анъаналарга асосланган профессионал театрлар майдонга келган. Шарқда анъанавий оғзак ижоди бўлган бўлиб, улар анъанавий театр халқ оғзаки ижоди, рақси ва пантомимага таянган. Халқ театрининг ўзига хос бадиий ва ижро усуллари айрим замонавий театр актёрлари ижодига замин бўлган. Халқ рақсининг қадимги намуналари кишиларнинг ҳайвонот ва табиат оламини кузатишларини акс этгирган. Овчилик, чорвачилик билан шуғулланувчи халқларнинг рақслари ёввойи ва уй ҳайвонлари, қушларнинг хаттиҳаракатлари, қилиқларига тақлидан яратилган: помирча “Бургут”, “Тулки”, туркманча (лайлак ҳаракатларини ифодаловчи) “Химмил”, хоразмча “Чағалоқ” (“Балиқ қуш”), “Тўрғай”, ёқутча “Айиқ”, Шимолий Африкадаги “Туя”, Америка ҳамда Марказий ва Жанубий Африкада оммалашган “Овчилар” рақслари ва бошқа қишлоқ хўжалиги меҳнати билан боғлиқ рақсларда турли меҳнат жараёнлари бадиий ифодасини топган. Масалан, латишча ўримчилар, гуцулча ўтин ёрувчилар, белорусча зиғиркорлар, ўзбекча “Пилла” рақслари ва ҳоказоларни келтириб ўтиш мумкин. Ҳунармандчилик ва бошқа меҳнат турлари юзага келиши билан янги халқ рақслари пайдо бўлган. Чеварлар рақси ва бошқа Халқ рақсларининг кўплиги маросим ва ибодатлар билан боғлиқ бўлган. Кишилар рақснинг сеҳрли кучига ишониб, ўйинрақслар билан аждодлар руҳига, тангриларга сиғинишган, ёмон жинларни ҳайдашган ва ҳ.к. Халқ рақси орасида жанговарлик ва баҳодирликни улуғловчи рақслар ҳам кўп учрайди қилич ва таёқ билан ўйналадиган рақслар жуда кўп бўлган. Ҳозирда халқ саҳна рақси ансамбллари деярли барча мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда оммавий (Бешқарсак каби) ўйинрақслари билан

бирга якка халқ рақслари ҳам кенг ўрин олган. 1920-йиллардан бошлаб Ашула ва рақс ансамблининт ҳаваскор ва профессионал жамоалари фаолият кўрсатди. Халқ циркининг келиб чиқиши қадимий маросим, ўйин ва маиший ҳаёт билан маросим, ўйин ва маиший ҳаёт билан боғлиқ. Масалан, Хитой ҳунармандлари тўқилган арқоннинг мустаҳкамлигини кўрсатиш мақсадида уни тортиб, устидан югурган. Шу тарзда дорбозлик санъати юзага келган. Акробатика дастлаб ибодат маросимлари билан боғлиқ эди. Ўрта асрларда сайёҳ артистлар шаҳар ва қишлоқ майдонларида чиқишлар қилиб, акробатика номерларини намойиш қилган.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга олган бир даврдан халқ ижодиётига бўлган тўғри муносабат шаклланади. Муллатўйчи Тошмуҳамедов ижро этган “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Ушшоқ”, “Гиря”, “Дилхирож”, “Шаҳнози Гулёр”, “Кўча боғи”, “Сувора”, “Сегоҳ”, “Таронаи дугоҳ” сингари мумтоз ашулалар ўзбек халқ мусиқа ижоди олтин фондидан жой олди. Беназир овоз соҳибининг юракка таскин берувчи гоҳ ҳазин, гоҳ тўлқинли, гоҳида қувноқлик ҳадя этувчи ашулалар нафақат кўнглимиз мулкига айланган, балки хорижий давлатларда миллий маданиятимиз ва санъатимизни кенг тарғиб қилишда муҳим рол ўйнади.

Муллатўйчи Тошмуҳамедов ўз даврида Шобарот танбурчи, Шожалил ҳофиз, Муҳаммад Умар, Абдуқаҳҳор ва Назархон ҳофизлар билан бирга ижод қилди, ўзбек қўшиқчилик санъатида ўчмас из қолдирди. Ўзбекистон давлат консерваториясида бухоролик Ёқубжон Ғойибов Муллатўйчи Тошмуҳамедов ижро этган "Кўча боғи” ашуласини маромига етказиб куйлади. Залда жимлик. Орқа ўриндиқда ўтирган аёл кўзида ёш билан “Баракалла ўғлим”, Тўйчи ҳофизнинг руҳи қўлласин. Овозинг ҳам ўхшар экан”, дея пичирлади. Яна кимдир “Офарин”, дея ҳис-ҳаяжонини яшира олмади. Қўшиқ якунида томошабинлар Ёқубжонни қарсаклар билан олқишлади. Ёш ижрочи Ёқубжон Ғойибов Ўзбекистон халқ ҳофизи Муллатўйчи Тошмуҳамедов ижодига бағишланган кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олган йигирма нафар иштирокчидан бири сифатида тарихда қолди.

Марказий Осиё маданиятида қўлланилган. Ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида қадимги чангдан тахминан 17-асргача қўлланилган. Ўрта асрларда Ноқус Чангий, Мавлоно Мирек Чангий Бухорий, Хожа Бобо Чангий, Ҳофиз Чангий, Дарвишали Чангий ва бошқа чанг ижрочилари танилган. Чанг бурчакли ёки ёйсимон шаклда бўлиб, у 13 ва ундан ортиқ торлардан ташкил топган.

Ҳозирда чангдан ўзбек, тожик, уйғур халқлари кенг фойдаланади. Ўзбекистонда кенг ишлатиладиган ҳозирги тури трапеция шаклдаги товушхонага эга. Товушқатор асосини 14 сим ташкил этади. Шу симларнинг

13 таси учтадан бўлиб, битта энг йўғон сим яккадир Шу аснода торларнинг умумий сони 40 тага етади. Сим торлари 2 харак воситасида 2 гуруҳга бўлинади: ўнг харак устидан ўтказилган симлар паст регистрда, чап харак устидан ўтказилганлари 1 ва 5 октава юқори регистрларда овоз чиқаради. Чангнинг диапазони каттадир: катта октава “ля-бемол”дан иккинчи октава “ми-бемол”гача етади. Чанг бамбукдан ишланган икки чўп ёрдамида уриб чалинади.

1930 йилларда хроматик товушқаторга эга турлари яратилди (прима, тенор, бас). Жарангдор тембр, кенг динамик ва техник имкониятлари туфайли турли ансамбл, халқ чолғулари оркестри таркибида ҳамда якка чолғу сифатида кенг тарқалган.

Катта ашуланинг моҳир ижрочиси, эл севган машҳур халқ ҳофизи Ҳамроқул қори Муҳаммадрасул ўғли Тўрақуловнинг ҳаёти ва ижоди сермазмун ва ўрганиш лозим бўлган жиҳатлари кўплиги билан бошқа ижрочилардан фарқ қилади. Фарғона водийси анъанавий ижрочилиги ҳақида гап борганда, ижрочилик услубларини уч йуналишда ўрганиш тавсия этилади. Андижон, Ўш, Наманган ижро йўлларини ҳисобга олган ҳолда, Андижон-Балиқчи услуби, Марғилон ва атрофи ҳофизу-хонандалари ҳақида гап кетганда унинг ижрочилик замирида Марғилон услуби, Қўқон ва атроф туманларнинг ижрочилик мактаби ўзига хослигининг уйғунлашувида Янгиқўрғон, Қўқон, Бешариқ услуби моҳиятан ва мазмунан ўзгачалиги билан ажралиб туради. Ана шу учинчи ижрочилик мактабининг сардори, катта ашуланинг қайтарилмас ижрочиси Ҳамроқул қори Муҳаммадрасул ўғли ҳисобланади. Мазкур ҳофиз ҳақида сўз борганда, унинг ижрочилик санъати серқирралиги, овозининг ўктамлиги Ўзбекистон халқ ҳофизи Болтабой Ражабов томонидан нашр этилган кўплаб манбаларда ўз аксини топганлиги, қолаверса, халқ оғзида бод-бод тилга олиниб келинганлиги мисол тариқасида айтиб ўтиш жоиздир. Кунларнинг бирида, - деб эслаганди Болтабой ҳофиз, Марғилоннинг Чорчинор мавзеида ўнтача ашулачи ўзларини мақтаб турганларида, Ҳамроқул ҳофизнинг баланд авж билан ашула айтиб келаётганлигини эшитиб қолишди-да, дарҳол тарқаб кетишди. Катта ашуланинг пири деб ном олган Болтабой ҳофиз бу улуғ санъаткорни ўз устози деб билди ва катта ашуланинг ижрочилик йўлларини Ҳамроқул пиридан ўрганди. Машҳур ҳофиз ҳақида сўз борганида хофиз туғилиб ўсган Бешариқ туманидаги Шоберди кишлоғида яшовчи Турғун қори Салимов, хофизнинг катта набираси Марайимжон Иброҳимовларнинг айтишларича, Ҳамроқул қори 1873 йилда шу қишлоқда туғилган. Ҳофиз қўйилган эски қабр 1967 йилда топилган. Қабрни топиш ҳам осон бўлмаган. Шу йили Республика пластинка фирмасининг раҳбари Ҳабибулло Нажибуллаев Бешариқ туманига

келиб, Ҳамроқул қорининг қабрини кўрсатишларини сўрайди. Қишлоқда ҳеч ким қори бобонинг қабрини топиб бера олмайди. Ҳофиз вафот этган 1943 йил урушнинг энг оғир даври эди. Ҳамроқул қорининг жасадини лаҳадга қўйган шу қишлоқлик Шукур бобо Холиқов ёрдамида қабр топилди. Қабр очиб кўрилганда Шукур бобо қабр оғзига ўзи қўйган эски эшик қанотини ва унинг темир халқасини таниди. Ҳофизнинг қадрдон ҳамқишлоғи, Аҳмаджон Шукуров лаҳадга тушиб қорининг устухонини авайлаб олди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган янги қабрга қўйишди. Шу тариқа азим дарахтлар соясида ҳофизнинг янги қабри тикланди. Машхур ўзбек халқ хонандаси, катта ашуланинг моҳир ижрочиси Ҳамроқул қори Муҳаммадрасул ўғли 1873-1943 йилларда яшаб этган ўзбек хофизларибан бири саналади. Ҳамроқул ҳофиз жуда катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. У халқ орасидан чиққан ҳақиқий ҳофиз эди. Унинг ўткир, жарангдор нафаси, патнисаки катта ашула ижросига мойил бўлганлиги сабабли кўпроқ қўшиқларни шу услубда ижро этарди. Ҳофиз бу ўйин услубда ижро этишни Қўқон атрофларида донг таратган машҳур Холқора ҳофиздан ўрганди (Холқора ҳофиз 107 ёш умр кўриб 1967 йилда вафот этган). Ҳофизнинг асосий қўшиқлар дастури Навоий, Мискин, Хислат, Мукумий, Ҳазиний, Фурқат ва Қўқон шеърияти муҳитида тобланган шоирларнинг ғазалларидан тузилган бўлиб, “Бир келиб кетсун”, “Келибман даргоҳингга”, “Мунча ҳам”, “Ё ҳаётаннабий”, “Эйдилбари жононим”, “Колхозчилар давронидир”, “Бу гулшан соз”, каби катта ашулаларни моҳирлик билан ижро этган. Ҳофизнинг машхур шоир Ҳазиний билан жуда ўт ижодий ва дўстлик алоқада бўлганлигини Ҳазиний асарлари тўпламининг муқаддимасидаги қуйидаги сатрлар ҳам тасдиқлайди: "Ҳазиний таниқли ҳофизлардан Ҳамроқул қори, Эрка қори, Мулла Тўйчи, Содирхон, Умархонлар билан яқин дўст бўлган".

Жаҳони бевафодан охир бир кун, кетар бордир,
Бу дунё бир работ, ҳар ким қўниб бир-бир ўтар бордир.

Шоирнинг ушбу машҳур ғазалини Ҳамроқул ҳофиз катта ашула йўлида ижро этиб, давраларда жуда катта муваффақият қозонарди. Бундан ташқари ҳофиз ўзи ғазал тўқиб ашула қилиб айтиш қобилиятига эга эди. Бунга мисол тариқасида Собиржон Асқаровнинг ушбу сўзларини келтириш мумкин: "Ўша даврда кўча чангитиб юрган ёш бола эдим. Қизи Нишонбибини поезд босиб кетганида, қори бобо унинг жасадини аравага ортиб, қишлоққа етиб боргунча фарёд уриб, йўл-йўлакай ўзи тўқиган мунгли, дардли қўшиқлар айтиб ҳаммани йиғлатган эди. Раҳматли дадам, қори ашулаларини ўзи тўқиб айтаверади, дейишарди". Ҳофизнинг яна бир ўғли ҳам дунёдан бевақт кўз юмди. Натижада

ҳофиз ижодида тушкунликка тушиш, кўпроқ маҳзун қўшиқларни ижро этиш даври шаклланди. Ҳамроқул қорининг ҳалқ орасида машҳур бўлиб кетганини кўролмаган кимсалар унинг диний ашулаларини рўкач қилиб, қамоққа олдиришади. Ҳофизнинг қамоқда ётиб айтган аламли қўшиқлари деворлар оша Тошкент кўчаларига тараларди:

Ётаман маҳбус бўлиб, юрт бехабар токайгача?
Юрагим қонга тўлиб, ютгум заҳар токайгача?

Қалби мажруҳ хофизнинг дард тўла нолалари республика раҳбарларигача етиб боради, у маҳбусликдан озод этилади. Бешариқнинг Деҳқонтқда қишлоғида яшовчи мулла Орифжон бобонинг хотиралари ҳам ғоят қизиқарли: 1930 йилларда Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Жангоб деган боғида ҳалқ сайллари бўлиб турарди. Мен Тошкентга борганимда, ана шу сайллардан бирига рўпара келдим. "Жангобга Ҳамроқул қори келармиш" деган овозалар тарқалгани учунми, одамлар ҳар қачонгидан кўп тўпланибди. Ўша даврдаги республика раҳбари Акмал Икромов ҳам келди. Кенг давра атрофида санъаткорлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиришарди. Ашулачилар навбати билан чиқиб даврани айланиб ялла қилардилар. Концерт узоқ давом этди. Ҳамроқул қори ўртага ҳар чиққанида, томошабинлар шодликдан қийқиришиб юборишарди. Янги сўз, янги оҳанг билан ашула айтиш шарт қилиб қўйилган экан. Бошқаларнинг ашуласи тугаб қолди шекилли, даврага чиқолмай колишди. Ҳамроқул қори эса қўлида тутиб турган чинни ликопчани чертиб, янги-янги ашулаларини айтарди. Шинавандалар ғолиб чиққан Ҳамроқул қорини қучоқ очиб табриклашди. Давра ҳакамлари бу истеъдод соҳибига турли совға-инҳомлар топширади. Ҳамрокул ҳофизнинг муборак овози пластинкаларга ва тасмаларга ҳам туширилган бўлиб, машҳур санъаткор Тамарахонимнинг шоҳидлик беришича, 1935 йилда Лондонга борган бир гуруҳ ўзбекистонлик санъаткорларни Британия музейига таклиф қилишиб, Ҳамроқул қорининг овози ёзилган пластинкани қўйиб эшиттиришибди. Нақл қилишларича, бир инглиз бойи ҳофизнинг қўшиқлари ёзилган пластинкаларни сотиб, бир миллион фунд-стерлинг фойда топган экан. Афсуски, биз ана шу машҳур хонандамиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Ҳофизнинг ижро йўлларидан жуда кўп қўшиқчилар баҳраманд бўлдилар, уни ўзларига устоз деб билдилар. Раҳмон ҳофиз (Раҳмон тик), Шеркўзи Бойкўзиев, Ҳайдарали Ҳикматов, Ўтамбой Саримсоқов, Муроджон ҳофиз Асроқулов, Сангил ҳофиз, Саидқул ҳофиз, Эшмат ҳофиз, Тошпўлат ҳофиз, Абдуназар, Маҳкамбой сингари ўнлаб ҳофизлар бевосита Ҳамроқул қорининг ижрочилик мактабидан баҳраманд бўлганлар. Ҳофизнинг шогирди, Ўзбекистан ҳалқ артисти Муроджон Аҳмедов бир суҳбатда шундай эслаган эди: "Қори бобо жуда саҳий эдилар. Тўй, базмларга от миниб борардилар. Қайтаётганларида хуржуннинг

икки оғзи пулга тўла бўлар эди. Йўл-йўлакай хуржундаги пулларни қийналганларга, етим-есирларга улашиб келар эдилар". Шундан кўринадики, Ҳамроқул қори саҳий қалб эгаси, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, шунинг учун қўшиқлари қалб нидоси бўлиб отилиб чиққанлиги сабабли ҳалқ уни доимо эъзозлаган. Шунинг учун ҳалқнинг севимли ҳофизи бўлиб машҳури жаҳон бўлган. Ҳозирги кунда Шоберди қишлоғида қори бобонинг Мамарайим, Набижон деган набиралари истиқомат қилишади. Бола-чақали бўлиб кетишган. Уларнинг орасидан ашулачи чиқмади. Факат Набижон аканинг ўғли Комилжонда қизиқиш бор. Яхшигина соз чалади, куй басталайди. Балки келажакда Комилжоннинг ўғилларидан ҳофиз чиқар, бобокалони яратиб кетган ижрочилик мактабини улар давом эттиришар. Санъатсевар бешариқликлар ҳам қизларининг юртдошларига ҳурмат билдиришиб, машҳур хофизнинг номи билан боғлиқ бир қанча тадбирларни амалга оширмокдалар. Унинг номини абадийлаштириш борасида талайгина ишлар қилинди ва яна бир қанча ишлар режалаштирилган.

Машҳур ҳалқ ҳофизи, катта ашуланинг моҳир ижрочиси Ҳамроқул қори Муҳаммадрасул ўғли Тўрақулов ҳақида қуйидаги бағишлов билан унинг ширали, ўктам, қалбни тўлқинлантирувчи овози қулоғимиз остида жаранглагандай бўлади:

Асири чашминг охуйи биёбон ўлди бир менму?
Боқиб ойина ҳ(ам хуснинга ҳайрон ўлди, бир менму?

Ҳа, эл ардоқлаган ҳофизнинг сўнмас нафаси йиллар, асрлар оша жарангласа ажаб эмас.

Заминимизда мусиқа маданияти қадим замонларга боғланиб кетади. Қадимшунос олимлар томонидан ўтказилган тарихий қазилмалар натижасида топилган дутор, қонун, най, сурнайга ўхшаш созлар, тошларга ўйиб битилган созандаларнинг соз чалиб тургандаги тасвирлари, миниатюра асарларидаги созанда ва ҳофизларнинг расмлари ўлкамизда ижрочилик санъати қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради. Ҳар бир тарихий даврда халқнинг этник жойлашиши, яшаш шароитлари, турмуш тарзи ва турлича маданий ривожланиш даврига асосланиб, мусиқа маданияти ҳам ўз ўрнини топганлиги тарихий ҳақиқатдир.

1.3.Андижон қўшиқчилик ижодиёти таснифи

Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодиёти Фарғона – Тошкент усулби фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва вилояти худудларида қарор топган мусиқий анъаналарнинг мажмуидир. Бунда халқ мусиқасига оид куй, терма, лапар, ялла, қўшиқ, ашула каби айтим жанрлари, шунингдек, мақом

ижрочилиги каби касбий мусиқа ҳамда бастакорлик анъаналари ўз аксини топган. Шулар билан бир қаторда, Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодиётида болалар фольклори, хотин-қизларнинг қўшиқчилик ижоди, яллачилик, ашулачилик ва чолғу куйлари муносиб ўрин тутади. Жумладан, болалар фольклори бўлган “Бойчечак”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Лайлак келди”, “Офтоб чиқди”, “Учвара”, “Читтигул” каби қўшиқлар нафақат шу сарҳадда, балки бутун диёримиз бўйлаб машҳурдир.

Оилавий маросим айтимлари.

Алла[5]**.** Янги – инсон чақалоқ туғилиши билан ислом шариатига кўра, етти кун ичида унга исм қўйилиб, қулоғига “Азон” айтилади. Чақалоқ шу зайл ҳам мусиқий товушни илк бор эшитади. Исми билан чақирилганда (мурожаатга) имо-ҳаракатлар билан товуш таралаётган томонга қарай бошлайди. Чилла ((кичик (йигирма) ва катта (йигирма))си қирқ кун ўтгач, у турли товушлар (гоҳида майин, гоҳида кескин)ни сеза бошлайди. Аммо, унинг табиий вақт мезонлари она сийнасидан озуқланиб, онанинг ҳис-ҳаяжон хусусиятлари болага ўта бошлайди. Бола безовталанса, албатта, она уни овитиш учун майин овозда “Алла” айтади. Баъзан, она ўзида устувор ҳис-туйғуни бостириш учун “Алла”ни куйлайди. Бунда овоз юриш диапазони кварта-квинта оралиғида бўлади. Вилоятлар бўйлаб олиб борилган мусиқий фольклор экспедиция жараёнида “Алла”ларнинг турли хил ижролари қайд қилинди. Шундай қилиб, аллалар оилада чақалоқни бешик ёки беланчакда ухлатиш вазиятида айтилади. Алла айтувчи она, буви, хола, амма ёки опа алла орқали ўзининг ички ҳис туйғуларини ҳам баён қилади, баъзан, соғинч изтиробларини ифода этади. Шу боис уларнинг аллаларини шеърий мазмунида соғинч, қўмсаш, хотирлаш каби мавзуларга ҳам ўрин берилади. Бу хусусиятлар алла айтимларининг маҳзун куй-оҳангларида ҳам ўзини намоён қилади. Зеро бунда аёллар фольклорининг ўрни катта. Тарихий манбалардан маълумки, бу ҳудуд аёллари паранжи ўрнига чакмон ёпинган. Бу эса бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, уни бешикка белашдан тортиб, вояга етишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Она мурғак чақалоққа ўзининг бор ҳис-туйғуларини “Алла” оҳанги орқали сингдирган. “Алла”лар боланинг руҳий юксалишига катта ёрдам берган.

Хотин-қизлар даврасида лапару-яллалар, тўй-маросими қўшиқлари бўлган “Ёр-ёр”, “Келин салом” ва бошқа қўшиқ намуналари севиб айтилади.

---

[5] “Алла”га доир қуйидаги адабиётларга қаранг

Хашладигу хашладик
Ўртага гилам ташладик
Эшитволинг азизлар
Келин саломни бошладик

Қуруқ ерни хўл қилган
Икки дилни бир қилган
Аввал худога салом

Ўхў-ўхў йўталган
Обдастасин кўтарган
Қайнотасига салом

Ўгра кесиб эринган
Ўғил туғиб керилган
Қайнонасига салом

Жойнамози қўлида
Маккатилло йўлида
Катта дадаларга салом

Оқ рўмоллар ўраган
Охиратин ўйлаган
Бувиларига салом

Мехмон келса хуш деган
Мехмонхона бўш деган
Амаки тоғаларга салом

Қоши кўзи пиликдек
Ошдан чиққан иликдек
Амма-холаларга салом

Оқпар дўппи бошида
Ўсмалари қошида
Сингилларига салом

Анжан дўппи ярашган
Куёвликни талашган

Укаларига салом

Писта бодомни кўп чаққан
Уйга кириб гап чаққан
Овсинларига салом

Атлас чорси қийқими
Йигитларни шилқими
Куёв жўраларга салом
Қизил олманинг пўсти
Қолмсин ками-кўсти
Салом-салом ёр-ёр
Келин салом ёр-ёр
Қабул айланг мехмонжонлар
Сизларга салом ёр-ёр

Бўйнимдаги маржоним
Тўкилиб адо бўлди
Шунинг билан азизлар
Келин салом тамом бўлди

Андижон мусиқа услубида “Катта ашула” номи билан машҳур айтим йўли одатда турли оммавий йиғин ва тантаналарда, байрам маросимлари ва гап – гаштакларда ҳамда анъанавий чойхона мажлисларда ҳофизлар томонидан ижро этиб келинган. Мусиқа амалиётида деярли барча халқ чолғуларини, жумладан, дутор, тамбур, рубоб, чанг, сато, ғижжак, най, қўшнай, сурнай, карнай, дойра, ноғора ва бошқа созларни кўриш мумкин. Бу созлар вазиятга қараб якка ёки ансамбл (даста) шаклида намоён бўлади. Хусусан, оммавий байрам, халқ тантаналари ва тўй маросимларида сурнай, карнай, нағора ва дойралардан иборат ансамбл садолари янграса, уй шароитида эса садоланиш нисбатан юмшоқ чолғулар, танбур, ғижжак, қўшнай, рубоб ва бошқалар қўлланилади. Бинобарин, халқимизнинг маданий ҳаётида ҳар бир миллий чолғунинг ўз ўрни, вазифаси ва ижро этиладиган махсус куйлари бор. Мисол тариқасида дуторнинг тавсифлаш мумкин. Бу созда ижро этиш махсус “Қўштор”, “Чертмак”, “Дунё баёти” каби куйлар бўлмиш билан бирга яна ундан жўрнавоз сифатида ҳам фойдаланилади. Бу ўринда дутор (дойра каби) аёллар орасида кенг оммалашган чолғудир. Айни чоғда, ашулага хофизлар ҳам дуторни танбур билан бирга ўз ашула айтимларига жўрнавоз этадилар. Аммо танбур, сато, най, қўшнай, ғижжак, чанг сингари созлар асосан касбий мусиқа ижрочиларининг чолғуси

ҳисобланади, яъни бу созларда ижро этиш учун махсус тайёргарлиқ кўрган мусиқачилар бўлиши керак.

Одатда Андижон вилоятида ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётини оилавий маросим айтимларисиз тасавур этиб бўлмайди. “Алла”, “Ўлан”, “Ёр-ёр”, “Келин салом” мазкур ижодиётда устивор аҳамият касб этибгина қолмай, ўзига хос мусиқий услубда ижро этилиши билан аҳамиятлидир. Карнай-сурнай садоси эшитилади. Қизлар ва аёллар келин уйига ёр-ёр айтиб маросим иштирокчилари руҳиятига келин тўйи кайфиятини солишга харакат қиладилар.

Ҳай-хай ўлан жон ўлан келин келди
Ёр-ёра, келин келди
Келин билан қўшилиб давлат келди
Ёр-ёра, давлат келди
Хай хай ўлан жон ўлан тўй сеники
Ёр-ёра, тўй сеники
Остонаси тиллодан уй сеники
Ёр-ёра, уй сеники
Осмондаги юлдузни саккиз денглар ёр-ёр
Саккиз қизни сардори келди денглар
Ёр-ёра, келди денглар
Саккиз саккиз қизни сардори биз бўламиз ёр-ёр
Саккиз боғда очилган гул лоламиз
Ёр-ёра, гул лоламиз

Албатта, келин тўйининг ўзига хос, энг ажойиб жиҳатларидан бири, бу ёр-ёр, ўлан айтимларини ижро этилишидир. Хонанда ва созандалар келин уйига борганда имкон қадар, насихатомуз, ота-она уйидан айрилаётганлик холатларини акс эттирувчи айтимларни куйлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, улардан бири қуйидагичадир:

Оқ кўйлагим енгини тикдим она
Оқ сутингга рози бўл кетдим она
Оқ кўйлагим енгини тикдим ота
Боққанингга рози бўл кетдим ота

Оқ милтиқ қора милтиқ отган отам
Ўз қизини ёт қилиб сотган отам
Ўз қизини ўрнига бодом эксин
Бодом шохи синганда болам десин

Бундай маросимлар хар бир қиз хаётида бир марта бўлади. Шундай экан тўй мароисмларнимизни турли маълум вазият ва шароит билан чегараланган

куй-қўшиқлар билан безатилиши, ушбу маросимни шукухи ва моҳиятини тушунишга катта хизмат қилади. Худди шундай қизни куёв уйига боргандаги ёр-ёрлар ҳам юқорида таъкидланган жараён мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

ЧАМАННОРИНГДАН

Юртимда бугун Наврўз чаманнорингданей
Кечалар мисли кундуз бўйлорингданей
Шу бахтиёр элимда чаманнорингданей
Ўйнаб-кулар ўғил-қизей бўйлорингданей
О-О-О-О-ой Жон-жон-жон
Ўйнаб-кулар ўғил-қизей бўйлорингданей
Осмонимда камалак чаманнорингданей
Жўш урар орзу-тилак бўйлорингданей
Ўйин тушар раққоса чаманнорингданей
Сочларида жамалак бўйлорингданей

О-О-О-О-ой Жон-жон-жон
Сочларида жамалак бўйлорингданей

Бойчечак гул очилди чаманнорингданей
У бахордан нишона бўйлорингданей
Бинафша гул очилди чаманнорингданей
У Наврўздан нишона бўйлорингданей

О-О-О-О-ой Жон-жон-жон
У Наврўздан нишона бўйлорингданей
Ғайра-ғайра дамбадам
Оромижонимсан мени
Ғайра-ғайра дамбадам
Ширинзабонимсан мени

Келинлар зулфи камалак
Қизлар тақар жамалак
Наврўзда элим қизлари
Пиширадилар сумалак

Ғайра-ғайра дамбадам
Оромижонимсан мени

Ғайра-ғайра дамбадам
Ширинзабонимсан мени

Гул-лолалар очилсин
Элу-юртга сочилсин
Доим тинч замон бўлсин
Элу-юрт омон бўлсин

Ғайра-ғайра дам-бадам
Оромижонимсан мени
Ғайра-ғайра дам-бадам
Ширин забонимсан мени

Муаззам: Келди Наврўзи олам!
Тасвирга ожиз қалам.
Қанча қўшиқ тўқисам,
Барибир хаммаси кам.
Кўклам ёйилган гилам,
Хамма ёқ гўзал, кўркам.

Ашула: Баҳор валси

Бахор келса алвон-алвон очилгай гуллар
Хандон сайраб шўх ғазалхон куйлар булбуллар
Зулфи райхонлар, мохитобонлар
Ўйнаб-ўйнаб рақсга тушар гўзал жанонлар

Замон-замон бизнинг замон фаровон хаёт
Эл бахтиёр юрт бахтиёр бахтиёр авлод
Қўшиғимиз рақсимиз хам дўстлар қўш қанот
Зулфи райхонлар, мохитобонлар
Ўйнаб-ўйнаб рақсга тушар гўзал жанонлар

“Сартарош”

(Беданавоз қўшиғи ижро этилади).

Шохрухбек: Эрта тонгда турволиб,
Қўлга қовоқ-тўр олиб,
Қуёш чиқмай борволиб

Палак титар беданавоз.

Тонгда хўроз қичқирса,
Чўчиб уйғониб турса,
Бедана сайраб турса,
Хурсанд бўлар беданавоз.

Беданани тутволиб,
Тўрқовоққа солволиб,
Сайраб турса куч олиб,
Хурсанд бўлар беданавоз.

- Нақорат -

Наврўз келди сайрагин,
Кўнгилларни овлагин,
Мустақиллик даврида
Ўйнаб, қувнаб, яйрагин.

- *Нақорат -*

Қиз: Дейдиё дейдиё.
Йигит: Яна нима дейдиё.
Қиз: Оёғида шахмати бор ўйнасин дейдиё
Беқасам тўн енгини,
Кесиб ташланг кенгини,
Ўғилгина боқибсиз,
Олиб беринг тенгини.
Оёғида шахмати бор ўйнасин,
Юрагида ғайрати бор ўйнасин.

Атлас кўйлак енгини,
Кесиб ташланг кенгини,
Қизгинани боқибсиз,
Танлаб беринг тенгини.
Оёғида шахмати бор ўйнасин
Юрагида ғайрати бор ўйнасин

Йигит: Дейдиё дейдиё.
Қиз: Яна нима дейдиё.
Йигит: Лапар айтган қизларнинг тиллари ширин дейдиё.

(“Ялли ялосидан” лапари ижро этилади)

Ялли ялосидан қошни қаросидан,
Қошини қаросидан,
Мени ёрим йигитларни
Ақли расосидан.

Қошимни қаро деманглар,
Ўсма қўйиб келганман.
Ёримни ёмон деманглар,
Ўзим танлаб олганман.
Нақорат:
Акажон боққа борайлик,
Наврўзи оламдир бугун.
Сумалак тўла қозонлар,
Атроф гулу –лола бугун.

Нақорат
Қиз: Дейдиё дейдиё
Йигит: Яна нима дейдиё.
Қиз: Айтишувга келинглар йигит қизлар дейдиё.

(Йигит қизлар айтишуви ижро этилади).
Қизлар қизлар сизларни .
Севгувчи биз йигитлар.
Хаёлингиз ўғирлаб
Кетгувчи биз йигитлар.

Дунё гўзал сиз билан,
Сиздай қаро кўз билан.
Сизни бахту бахтиёр
Этгувчи биз йигитлар

Умр чароғингиз биз,
Тақдир сўроғингиз биз.

Сизлар учун жон фидо,
Этгувчи биз йигитлар.

Қиз: Дейдиё дейди.
Йигит: Яна нима дейди.
Қиз: Сумалаклар қозонда вақир-вуқур дейдиё.

“Сумалак” қўшиғи

Баҳорнинг сен элчиси,
Яхшиликнинг белгиси.
Наврўзнинг сен синглиси,
Сумалакжон сумалак.

Сумалакжон сумалак
Баҳордан берар дарак.

Наврўз келай деганда,
Буғдой ундириб қўйдик.
Меҳмон бўлиб келингиз,
Сумалак қилиб қўйдик

Сумалакжон сумалак
Баҳордан берар дарак

Омон ёр

Омон ёр ўйнасангчи ё омон ёр
Белингни боғласангчи ё омон ёр
Даврадаги раққосани омон ёр
Юраклари жўшибди ё омон ёр

Хўжаободнинг қизлари ё омон ёр
Шахло экан кузлари ё омон ёр
Нозланиб ўйнаганда ё омон ёр
Оху каби ўзлари ё омон ёр

Андижон мусиқа ижрочилигида рақс куйлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Булардан “Дилхирож”, “Андижон полкаси”, “Фарғонача рез”, “Тановор”, “Наманган олмаси”, “Катта ўйин” каби рақс куйларини тилга олиб ўтиш лозимдир. Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодиёти Республикамизда мавжуд бўлган бешта локал (махаллий) услубнинг бири хисобланган Фарғона–Тошкент мусиқа услубида етакчилик қилибгина қолмай, бальки, аёллар ижодида унумли, ўзига хос кўламлиги билан жумладан, тарафма–тараф бўлиб айтиладиган лапар айтишувлар, турли қўшиқларни куйлаш, тўй маросим айтимлари бўлган ёр-ёр, келин салом ва ўланларни куйлаш оммавий тус олган. Булар ичида айниқса яллалар севиб ижро этилади.

Ялла – кўп хусусиятлари, жумладан, рақсбоблиги, ўйноқилиги, қолаверса ижрочи ўзи куйлаб, рақсга тушиши, шунингдек, айрим ҳолларда ижрода кўпчиликнинг ижро этиши мумкинлиги каби жиҳатлар билан ажралиб турувчи жанрдир. Аммо лапарда энг аввало айтишувлик сифати муҳим бўлгани ҳолда, яллада бадиий сўз (шеърият), куй ва рақснинг муштараклиги нисбатан барқарордир. Шу боисдан яллага “рақсбоб айтим” (Ф.Караматов), яъни рақс билан куйланадиган айтим ибораси қўлланилади. Ушбу ҳолат “ялла” атамасида ҳам маълум акс этган. Чунонча, оғзаки ижодда “ялла” сўзи “ўйнаб - кулиш” ва умуман, хушвақтлик бўлишлик маъноларида қўлланилади. Шундан келиб чиққан ҳолда “ялла” сўзи “ўйнаб - куйла” қисқартма “ял-ла” бирикмасининг ифодасидир, деб айтиш мумкин. Ялла – бу қанд нақорат шаклига эга айтим бўлиб, у рақсга тушиб куйланади. Бунда яккахон яллача дойра жўрлигида рақсга тушиб бандларни куйласа, нақоратларни даврада ҳозир бўлган кўпчилик қўшилиб айтади. Андижон вилояти ўзбек халқ мсиқа ижодиётидаги мавжуд ялла айтимлар Бухоро-Самарқанд созандалар ва Хоразм хонандаларига яқин бўлган касбий ялла ижрочилари ҳам бўлиб, улар якка ҳолда ёки ансамбл тарзида намоён бўлади.

Хайронингман хайронингман хайрона
Мен сени кўрмасам кўнглим вайрона

Томга чиқиб рўмол солдим бошимга
Бевафо ёр асло келмас қошимга
Нақорат:
Чопонингни орқасидан танийман
Қадамингга ўн беш чирвон санайман
Нақорат:

Рўмолчамни тўрига
Дил ипин қўшиб тикдим
Ёр келар деб шомгача
Йўлига чиқиб кутдим
Гулёрахон бўйлорингдан гулёр

Дўппи тикдим ипаклари тиллодан
Ипаклари деманг зари тиллодан

Дўппи тикдим тўрламаё
Кичкина деб хўрлама
Кичкина бўйим ўсади
Юрагингни эзадиё
Гулёрахон бўйларингдан гулёр

Оқ ипак қизил ипак палак тикоман дейди
Гул қатига яшириб сирин тўкоман дейди
Сирим пинхона бўлсин уёламан дейдиё
Ёр йўлига поёндоз қилоламан дейди

Сўзона, сўзона
Дилгинамнинг термалари сўзона
Кўзни олар йўрмалари сўзона
Сиз ишқимни ўлкасига йўл олган
Бийрон-бийрон турналарсиз сўзона

Якка ҳолдаги ялла ижрочиси, одатда, ўз айтимларига дутор ёки дойра созида жўр бўлади. Ялла ижрочилар ансамбли эса 2-3 аёлдан иборат бўлиб, фақат дойра жўрлигида куйлайдилар аёллар даврасида хозир бўлган яллачиларнинг репертуари асосан қўшиқ, лапар, ялла ва тўй маросими айтимларида тузилган бўлади. Ҳадяхон Ҳамдамова, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Раҳима Мирзоҳидова ва Ойимқиз Тўхтаевалар ялла ижрочилиги санъатининг моҳир устозларининг издошлари етишиб чиқди. Ялла айтувчиларнинг яна бир кўриниши ҳам борки, унинг ижрочиларини Наманганда “сатанг” деб атайдилар. Сатанг – ялла ижрочилари кўпроқ туркум шаклида бўлган (яъни икки қисм ва ундан ортиқ бўлган) катта яллаларни дойра жўрлигида рақсга тушиб айтадилар. Холисхон Қирғизбоева, Салтанатхон Алиева Наманганда таниқли сатанг ялла ижрочилар бўлганлар.



Ялла асарини ўйнаб куйлаш хусусияти унинг сўз (шеър) ва куй (мусиқа) асосларида ўзига хос ҳолда акс этганлигидан далолатдир. Жумладан бармоқ вазнидаги шеърларни асосан енгил ҳазил мутоиба билан йўғрилган севги мавзуларида бўлиб, унинг нақоратларида ўйнаб-кулишга, хушкайфият бўлишга дават этувчи “Ялла” сўзи ҳамда унинг “ялло”, “ялли” каби шакллари ишлатилади.

Яллома ёрим, яллола,

Яллолашайлик, бедодлашайлик (ва ҳоказо)

Баъзан “ялла” ўрнида “ўйин”, “ўйнасин”, “айлансин”, “ўргилай”, “таралло”, “хоралли” каби сўз – иборалар ишлатилади.

Лапар атамаси ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган Лапар икки ёки ундан ортиқ ижрочи томонидан навбатма-навбат айтиладиган ҳаётий воқеаларни ифодаловчи кайфиятга эга бўлган рақсга тушиб ижро этиладиган айтимдир. Анъанага кўра кўпроқ йигит ва қиз ижросида лапарлар тўй

маросимларда, аҳолининг байрам тадбирларида айтилади. Ўзбек мусиқа ижодиётида юқоридагилар билан бир қаторда “қиз ва қиз”, “чеча ва қиз” айтишув лапарлари учрайди. Бундай айтишувлар асосан тўй никоҳ тўй маросимларида бўйи етган қизлар ва бир уйда яшаётган қиз ва унинг чечаси билан айтишув тарзидаги лапарлар чолғулар жўрлигида куйланган. Лапарларнинг шеърий мазмунидан, уларнинг ҳазил мутойибали, пичинг аралаш севги-муҳаббат, балоғат ёшига хос енгил ҳазил аралаш савол ва жавоб хусусиятлари тилга олиниб ўтилади. Лапарнинг куй-оҳанг айтим тузилмаси масрурий кайфиятда бўлиши билан бирга, вилоятлар, туман ва қишлоқли ҳудудларда эркин мавзули қўшиқлар ҳам кенг ўрин олган. Сурхондарё вилоятнинг Райим Бўриев жамоа хўжалигида яшовчи Саидова Турсуной дойра бадашлари ижросидаги “Лапар” йигит-қизларнинг келин тўйларида бир-бирига ҳазил мутойиба тарзида, ўйинга тушиб куйланган. Мисол тариқасида “Қиз ва қиз”, “Чеча ва қиз”, “Йигит ва қиз” айтиш мумкин.

Ёр-ёр

Қизлар: Ўктам экан поччамиз ёр-ёр-ёроней,
Йўлига гул сочамиз ёр-ёр-ёроней,
Кўрманаси зўр бўлса ёр-ёр-ёроней,
Келин юзин очамиз ёр-ёр-ёроней.
Йигитлар: Хой қизларжон шошмангиз ёр-ёр-ёроней,
Хаддингиздан ошмангиз ёр-ёр-ёроней,
Зўр бўлмаса шу йигит ёр-ёр-ёроней,
Бўлармиди поччангиз ёр-ёр-ёроней.
Қизлар: Осмондаги уч ўрдак ёр-ёр-ёроней,
Учаласи ҳам бирдай ёр-ёр-ёроней,
Хўжаободнинг қизлари ёр-ёр-ёроней,
Очилган қизил гулдай ёр-ёр-ёроней.
Йигитлар: Йўл бўйида жуфт терак ёр-ёр-ёроней,
Жуфт теракка сув керак ёр-ёр-ёроней,
Сиздай гўзал қизларга ёр-ёр-ёроней,
Биздай мард йигит керак ёр-ёр-ёроней.
Қизлар: Ўзбегим йигитлари ёр-ёр-ёроней,
Қомати бургутлари ёр-ёр-ёроней,
Дилда вафо-ахди бор ёр-ёр-ёроней,
Нигохида шахди бор ёр-ёр-ёроней.
Йигитлар: Ўзбегимнинг қизлари ёр-ёр-ёроней,
Шахло экан кўзлари ёр-ёр-ёроней,
Нозланиб сўзлаганда ёр-ёр-ёроней,

Ширин-шакар сўзлари ёр-ёр-ёроней

Хожиакбар: Олмача анорингга балли
Донаи холингга балли
Ашула: Олмача анорингга балли
Олмача анорингга балли
Донаи холингга балли
Қизлар: Эшик олди гул ховуз
Гул тергани келганмиз
Йигитлар: Гулни бахона қилиб
Ёр кўргани келганмиз
Нақорат:
Олмача анорингга балли
Донаи холингга балли
Қизлар: Боққа киринг бодом бор
Аста юринг одам бор
Йигитлар: Одам бўлса нетади
Ўз йўлига кетади
Нақорат:

Олмача анорингга балли
Донаи холингга балли
Қизлар: Наврўз келди қизларжон
Ўсма баргин терайлик
Сочга тақиб тол попук
Қошга ўсма қўяйлик
Нақорат:
Олмача анорингга балли
Донаи холингга балли
Йигитлар: Наврўз келди ёз келди
Турна келди ғоз келди
Куй-қўшиқлар таралиб
Булбулдай овоз келди
Нақорат:

Бой тўранинг ой қизи

Йигит: Бой тўранинг ой қизи
Хуснда танхо ўзи

Намунча димоғи чоғ
Чақнаб турибди кўзи
Қиз: Осмондаги ойманда
Жилғаманда сойманда
Юртимда бугун Наврўз
Дилим хушнуд чоғманда
Йигит: Хар кун ўтсам ёнингдан
Қарамайсан жонингдан
Наврўз енлди элимга
Белбоғ боғла белимга

Қиз: Қошим қаро қундузман
Кўзим чақноқ юлдузман
Наврўзимдан айланай
Белбоғ каби боғланай

Йигит: Лаблари олу-ғунча
Ширин бўлмаса бунча
Юргил лола сайлига
Нозланмасанг намунча
Қиз: Найнинг соз овози бор
Кўлнинг ўрдак ғози бор
Хафа бўлманг акажон
Қиз боланинг нози бор
Хамма: Турна келди ёз келди
Карнай-сурнай соз келди
Юрт узра шодиёна
Ўйнайлик Наврўз келди.

Ашула. Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижрочилигида халқ ашулалари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ашулалар терма, лапар, қўшиқ сингари айтимларга нисбатан овоз доирасининг кенглиги ҳамда куйган, сўлим оҳанглари билан ажралиб туради. Халқ ашулалари бармоқ вазнида бўлган халқ шеърлари ёки аруз вазнидаги мумтоз шеърият асосида айтилади. Ашулалар ижод этилишига кўра икки хил бўлиши мумкин:

1.Халқ оғзаки мусиқа ижодида юзага келган ашулалар.

2.Нисбий мусиқага оид устоз бастакорлар томонидан ижод этилган ашулалар.

“Эй нозанин”, “Тановор”, “Ойдек тўлибдур”, “Фарзона”, “Ул париваш”

сингари халқ ашулалари нафақат ҳофиз-ашулачилар, балки зиёлилар, ҳунармандлар каби бир қатор касб эгалари томонидан ҳам ижро этиб келинмоқда. Шунингдек, бу турдаги ашулалар аёллар томонидан ҳам “уй ичкарисида” куйланган. Жумладан, “Чаман ичра”, “Тановор”, “Қора сочим” каби ашула йўллари дутор жўрлигида аёллар томонидан севиб ижро этилади.

Айни вақтда “Ангорим”, “Галдир”, “Нилор”, “Бебоқча”, “Фиғон”, “Чаман ялла” сингари ашулаларни асосан касбий мусиқачилар бўлган ҳофиз–ашулачилар куйлашади. Бунда танбур-дутор жўрнавозлиги кўп қўлланилади. Ашуллалар, анъанага кўра, турли йиғин ва мажлисларда, тўй маросимлари ва бошқа халқ тантаналарида ижро этилган. Чойхоналарда эса ашулачиларнинг ижодий мусобақалари ҳам ўтказиб турилади. Таниқли ашула ижрочилари қаторида Мамадбобо Саттаров, Болтабой Ражабов, Эркақори Каримов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Расулқори Мамадалиев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Азизова, Зайнаб Полвонова, Фаттохон Мамадалиев каби машҳур санъаткорлар номини тилга олиш мумкин.

Катта ашула. Катта ашула Фарғона-Тошкент мусиқа услубига хос бўлган жанр бўлиб, асосан катта ашула жанри – бу йирик ҳажмли бўлиб, унинг куй-оҳанглари кенг нафасли ҳофизлар ижроси учун мўлжаллангандир. Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодида муҳим аҳамият касб этган катта ашулани одатда 2-4 нафардан иборат бўлган ҳамнафас ашулачи – ҳофизлар айтадилар. Бунда жўрновоз сифатида ҳеч қандай мусиқа чолғулари қўлланилмайди. Катта ашулаларда Лутфий, Саккокий, Навоий, Муқиймий, Фурқат каби мумтоз шоирларнинг диний-фалсафий, панд-насиҳат ва бошқа мавзулардаги шеърий намуналари қўлланилади. Масалан, “Бир келсун” А.Навоий ғазали.

Катта ашулалар икки, икки ярим октава оралиғида бўлган ривожланган оҳангларга эга бўлиб, эркин ритм – ўлчов асосида бадиҳавийлик (имправизаторлик) хусусиятлари билан куйланади. Аҳоли орасида мазкур катта ашулаларнинг “патнусаки ашула” ёки “ликоби ашула” сингари бошқача номлари ҳам мавжуд бўлиб, бунинг сабаби ашулачи ҳофизлар ижро пайтида қўлларида патнис ёки ликоб (тарелка) ушлаб турганликларидадир.

Болтабой ҳофиз, Ҳамроқул қори, Муҳаммадбобо Сатторов, Акбарқори Ҳайдаров, Эркақори Каримов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби ҳофизлар катта ашулаларнинг маҳоратли ижрочилари эдилар. Бу санъаткорлар куйлаган “Кўп эрди”, “Бир келсун”, “Эй, дилбари жаноним”, “Адашганман”, “Дўстлар”, “Ёввойи чоргоҳ” каби катта ашулалари халқимиз орасида севимлилиги билан машҳур ва маълумдир. Одатда катта ашулани жуда қадим замонлардан тўй ва бошқа маросимларда халқ кўп тўпланадиган жойларда, сайлларда, кўпроқ очиқ ҳавода ижро қилинган. Олдинги даврларда

куйланган катта ашулалар кўпроқ диний мавзуларга эга бўлган. Оллоҳга мурожаатлар, марсиялар куйланган. Кейинги даврларда ёш ижрочилар томонидан юқори диапазон сақланиб қолинган ҳолда оҳангни замонавийлашган руҳда куйланаётган катта ашулалар ҳам аҳоли ораисда урф бўлганлигини кўриш мумкин.

Мустақилликка эришилгандан сўнг миллий қадриятларимиз тиклана бошлаганда мусиқа санъатимиз яна ривожлана бошлади. Шу жумладан катта ашула эътибор кучайди. Жумладан, 1996 йил апрель ойида Шаҳрисабз шаҳрида республика миқёсида катта ашула танлови ўтказилди. Шу йили Наманган вилояти бўйича ўтказилган “Ўзбекистон Ватаним маним” қўшиқлар танловида катта ашула алоҳида жанр қилиб кўрсатилди. Ҳофизлар янада кўпайиб бормоқда.

Ашуланинг бошқа турлари одатда ўтириб ижро этилса, катта ашула кўпинча тик туриб айтилади. Катта ашула куйини декламацион характердалиги диапозонининг кенглиги (уч октавага яқинлиги), асосий мелодик тузилманинг турли хиллиги, қочиримга бойлиги, ўз ритм ўлчовининг муттасил (маълум меъёрдаги тартибда) бўлганлиги билан изоҳланади. Катта ашулани қадимда фақат эркаклар ижро этган бўлсаларда, бироқ, кейинги даврларда бу анъана бир оз бузилиб, аёллар ораисда катта ашула ижрочилари ҳам етишим чиққанлигини кўриш мумкин. Ҳар бир даврнинг ўз санъаткорлари ва ижодкорлари бордир. Мусиқа соҳасида VII асрда Хусрав саройида яшаб ижод этган Барбад Марий, XV асрда яшаб ижод этган Хожа Юсуф Андижоний, шу даврда яшаган устод номини олган устод Шодий ва бошқаларни қадимги давр, кўҳна замин намаёндалари дейишга жуда ҳақлимиз.

XX аср бошларида Наманганда Абдулла Тароқ, Самарқандда Домла Ҳалим Ибодов, Хўжа Абдулазиз Ниёзов, кейинги даврларда Бувайда туманидан Расул қори Мамадалиев Марғилондан Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Балиқчидан Одилжон ҳофиз, Наманган вилояти Ўнҳаёт қишлоғидан Маллавой ака, Ибройимжон ака ва бошқа ҳофизлар ижод қилганлар. Ҳозирги даврда Тошкентдан Эсон Лутфиллаев, Андижондан Фаттоҳхон Мамадалиев, Марғилондан Турсуной опа Раҳимова, Тўрақўрғондан Машрабжон ва Турсунбой акалар, учқўрғондан ака-ука Қозақовлар, Намангандан Йўлдошали Тиллабоев, Абдусамад Комилов ва бошқалар катта ашула йўлида самарали ижод қилмоқдалар.

Мақом йўллари. Фарғона водийси бўйлаб кенг тарқалган ҳамда ўзбек миллий мусиқа амалиётига маълум ва машҳур бўлган мақом йўлларига нисбатан “Фарғона – Тошкент мақоми йўллари” ибораси қўлланилади. Бу мақомлар Бухоро шашмақоми ва Хоразм мақомларидан фарқ этиб, бир

туркумни ташкил этмайди, балки алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула йўлларидан ташкил топади. Хусусан, Насрулло I – IV, муножот I – IV, Ажам ва тароналар, сегоҳ I – III, Чўли ироқ, мискин каби чолғу куйлари, Чоргоҳ I – IV, Баёт - I – IV, Баётий шерози I – V, кўча боғи I – II, Гулёр Шаҳноз I – V, Сегоҳ, Дугоҳ – Ҳусайн I – VII, Тошкент Ироғи ва яна шуларга ўхшаш бошқа ашула йўллари Фарғон – Тошкент мақоми йўлларига мансубдир. Бинобарин, Фарғона – Тошкент мақом йўллари таркибида бир қисмли намуналардан тортиб, то беш – етти қисмдан иборат тукум асарлар намоён бўлади.

Ушбу мақомларнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, улардан водийда таркиб топган ашула, ялла, катта ашула жанрларининг оҳанг – куй хусусиятлари ҳамда дойра усуллари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Анъанавий ижрога кўра бу турдаги мақомларнинг чолғу куйлари якка соз – дуторда, танбурда, ғижжакда ёки танбур, дутор, най, ғижжак, дойра чолғуларидан иборат ансамбл шаклида чалинган.

“Фарғона – Тошкент мақом чолғу йўллари” халқимизнинг севимли куйлари бўлиб, уларни “Насрулло I – IV”, “Муножот I – V”, “Ажам ва унинг тароналари”, “Мискин I – V”, “Сегоҳ I – III”, “Мушкулоти сегоҳ”, “Сайқал I – II”, “Мирзадавлат I – II”, “Мушкилоти дугоҳ”, “Чўли ироқ”, “Чоргоҳ”, “Сурнай ироғи”, “Сурнай дугоҳи”, “Сурнай ушшоғи” каби куйлар ташкил этади. Туркумдаги таркибий қисмлар рим рақамлари воситасида (“Мискин I”, “Мискин II”, “Мискин III” ва ҳоказо) ажратилади. Баъзи туркумларда махсус номлар ҳам учрайди. Масалан, “Мискин I– V” чолғу туркумининг III қисми “Адоий”, IV қисми “Асирий” деб аталса Насрулло I-V нинг II қисми “Чапандоз II қисми “Қашқарча”, IV қисм “Тарона ва V қисми “Уфор” деб аталади ва ҳокозо.

Фарғона – Тошкент мақом чолғу турлари турли хил халқ чолғуларида ижро этиш анъанаси ҳам мавжуд. Шунингдек, бу куйлар турли вазифаларда чалинади. Масалан, сурнай йўллари халқ томоша ва байрамларида, дорбозлар ўйини ва тўй базмларида, дутор, танбур ёки ғижжак ижролари оилавий маросимларда ўтказиладиган турли йиғин, тўй ва мажлискаби тадбирларда намоён бўлади.

Фарғона – Тошкент мақом чолғу куйларининг ижрочилари, одатда, касбий мусиқачилар бўлиб, улар бу санъатни устозлардан ўрганадилар. Шу тарзда бу санъатни бизга етказиб берган таниқли созандалар қаторида Абдуқодир Исмоилов (най), Аҳмаджон Умрзоқов (қўшнай, сурнай), Ашурали Юсупов(сурнай), Шобарот танбурча, Абдумутал Абдуллаев (танбур), Мухиддин ҳожи Нажмиддинов (дутор, танбур), Абдусоат Ваҳобов (дутор), Комилжон Жабборов (ғижжак, дутор, танбур), Мақсудхҳжа Юсупов (танбур), Саиджон Калонов (най), Фаҳриддин Содиқов (чанг, дутор) Ғанижон Тошматов

(ғижжак), Турғун Алиматов (Танбур, дутор, ғижжак, сато), Ғуломжон Ҳожиқулов (ғижжак) каби маҳоратли ижрочилар номларини алоҳида таъкидлаш керак.

Фарғона –Тошкент мақом ашула йўллари (чолғу йўллари каби) алоҳида бўлган бир қисмли намуналардан тортиб кўп қисмли ашула туркумларини намоён этади. Айниқса, беш қисмли ашула туркумлари кўпроқ учрайди. Хусусан, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Баёти шерозий”, “Гулёр шаҳноз” сингари ашула йўллари айнан беш қисмдан иборат туркумли асарлардир.

Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари ўз ижролари билан юксалтирилган мақом ҳофизлари қаторида Шораҳим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шожалил ҳофиз, Илҳом ҳофиз, Садирхон ҳофиз, Юнус Ражабий, Расулқори Мамадалиев, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Хатомов каби устоз санъаткорларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Фарғона-Тошкент мақом йўллари Навоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Машраб, Муқимий ва бошқа мумтоз жанрларнинг шеърлари асосида куйланади. Мақом йўллари халқимизнинг маданий ҳаёти билан боғлиқ турли вазият ва шароитларда, хусусан, сурнай йўллари тўй – базмларда, халқ томошалари ва сайлларда, дорбозлик қийин ва бошқа тантаналарда ашула йўллари турли йиғин кечалари ва кундузи мажлисларда ижро этиб келинмоқда.

Цирк санъати. Тарихий манбаларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида қадим замонлардан хилма-хил халқ байрам ва сайилларида, бозор майдонларида ва тўйбазмларда хонанда, созанда, қизиқчи ва масхарабозлар билан бир қаторда цирк артистлари ҳам томоша кўрсатиб, турли куй-қўшиқлар айтиб аҳоли кайфиятини кўтаришга харакат қилинган. Халқ мусиқа санъатиниг жанрлари бой, ранг-баранглиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, Андижон вилояти ўзбек халқ мусиа ижодида цирк санъатининг ўрни ҳам жуда катта. Айниқса, дорбозлик, симбозлик, ёғочоёқ, ёғочот, найрангбозлик, бесуяк ва ҳайвон ўйнатиш каби анъанавий цирк турлари кенг ривож топган. XX-асрнинг 2-ярмида халқ цирки соҳасида Усмонжон Нишонбоев, Мадаминжон Юсупов, Кимсан Назаралиев (Андижон), Эргаш ва Ҳокимжон Парпиевлар (Асака), Лочин Усмонов (Фарғона), Жўрахўжа Норхўжаев (Наманган) ва бошқа самарали цирк усталари фаолиятини айтиб ўтиш жоиз. Шуни аълоҳида айтиш жоизки Республикамизда 20 дан ортиқ оилавий цирк гурухлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик йилларида Юнусали Ғозиев (Андижон), Тўлқин Болтабоев (Паркент), Аҳмад Муродов (Қўқон), Мустақиллик йилларида Дарвишбек Раҳмонов (Янгийўл), Юнусали Ғозиев (Андижон), Тўлқин Болтабоев (Паркент), Аҳмад Муродов (Қўқон), Аҳмад Набиев (Фарғона), Турсунали Мамажонов (Фарғона), Баҳром Жабборов (Хива), Абдимурод Эргашев (Самарканд), Саъдулла Мамадалиев

(Қашқадарё), Анвар Мўйдинов (Гулистон) ва бошқа раҳбарлигидаги халқ цирки жамоаларининг ижрочилик маҳорати сезиларли даражада ошиб, репертуари анъанавий циркнинг турли жанрлари билан бойиб келмоқда. Халқ цирки жамоалари барча кўрик танловларда қатнашиб келади. Кўпгина халқ цирки жамоалари чет эл гастролларида бўлиб қайтмоқдалар. Ўзбекистонда халқ ижодининг турли йўналишларини ривожлантириш, тарғиб этиш, халқ ижоди соҳасида турли кўрик танлов, фестивал ва оммавий байрамларни ташкил этиш билан Республика халқ ижодиёти ва этиш билан Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази шуғулланади. Шу жумладан, Ўзбекистонда мунтазам равишда фолоклор этнографик жамоалари, аскиячи ва қизиқчилар, тўй маросим қўшиқлари ижрочиларининг Республика кўрик танловлари, миллий дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг Республика кўрик фестиваллари, “Бойсун баҳори” халқаро очиқ фолклор фестивали ва бошқа ўтказилади. Халқ меъморлиги инсоннинг ўзини ташқи муҳитдан муҳофаза қилиш, ўзига яшаш учун қулай шароит яратиш йўлида қилган изланишлари натижасида юзага келган. Ибтидоий даврдан бошлаб одамлар яшаб турган жойнинг иқлим шароити, ландшафтини инобатга олган ҳолда бошпана қурган. Қурилган уйларда иморат тарҳининг қулайлиги, уйларда иморат тарҳининг қулайлиги, конструктив асосларининг мустаҳкамлиги, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш йўллари, иморатнинг табиат инжиқликларига бардошлиги такомиллашиб борган. Инсон тафаккурининг бой олами унда иморатнинг эстетик жиҳатдан безаш орзу ҳавасини ҳам уйғотади. У хоналардан айримларини ранг-баранг нақшлар билан безай бошлайди. Синфий жамият шаклланган, меҳнат тақсимоти натижасида иморат қуриш, уни безаш билан боғлиқ алоҳида соҳалар юзага келган (ганчкорлик, нақошлик, ёғоч ўймакорлиги, тош ўймакорлиги). Бу соҳаларни эгаллаган халқ усталари, меъморлари асрлар давомида синовдан ўтган тарих, тарз ва конструктив асослардан фойдаланиб келган. Натижада халқ меъморий анъаналари юзага келган, айрим иморатлар санъат дурдонасига айланган. Халқ меъморлиги тарҳ, тарз, композиция жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган анъаналарга эга. Халқ ижоди анъаналари Х1Х аср охири ХХ аср бошларида қурилиб, ҳозиргача сақланиб келган.

2-БОБ: АНДИЖОН ҚЎШИКЧИЛИК ИЖОДИЁТИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Андижон вохаси қўшикчилик ижодиётини таълим тарбиядаги ўрни

Ҳар бир халқнинг мусиқа ижоди унинг таълим ва тарбиясини ғоявий-сиёсий жиҳатдан ижтимоий тизимини ривожлантиришга хизмат қилади. Худди шундай Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодини таълим тизимида мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу аҳолининг мусиқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг тузилиши, тизими ва илмий-методик ютуқлари ўзбек миллатининг маънавий-маърифий маданиятига ижобий таъсир этиб келмоқда. Олиб борилган ўрганишлар натижасида хориж олий таълим муассасаларида ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига бир қатор ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўз давлатининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга. Бу ўринда мусиқий таълим бериш масаласига жуда муҳим эгамиятга эга. Жумладан кўпгина таълим муассасаларда мусиқа ва жисмоний маданият учун ҳафтанинг бир куни ажратилган бўлиб, ўқувчи ихтиёрий равишда ё мусиқа ё жисмоний маданият машғулотларига боради.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали реал ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа дарсларида компьютер, аудио ва видео каби техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электр мусиқа чолғуларини чалиб куйлайдилар, турли фаолиятларни (айтишув, ҳаракатлар, бир-бирига жўрнавозлик қилишларни) бажарадилар. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятини руёбга чиқариш ва ривожлантиришдан иборат бўлади. Шу ўринда Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодиёти ўзбек халқининг улкан маъанавий бойлиги ҳисобланади. Унинг таркибидаги энг оммавий, тарбиявий-таъсирчан халқ қўшиқлари ўзининг ғоявий-бадиий мазмуни, халқ ҳаётининг барча қирраларини ифода этиши каби хусусиятлари билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маърифий ва эстетик дунёқарашини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти И.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек “Ҳар қандай халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб

бўлмайди. Бу борада табиийки маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади”[6]. Таъкидлаб ўтилган Андижон мусиқа ижоди маънавий мерос, маданий бойликлар, миллий қадриятлар тизимида халқ қўшиқчилик ижодиёти алоҳида мавқега эга бўлиб, улар халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, байрам маросимлари, тарихий, диний, фалсафий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзида маънавий-маърифий ғояларни мужассам этади. Аждодларимиздан қолган мусиқий мерос орқали ўсиб келаётган ёшларга инсоний фазилатлар-одоб, ахлоқ, тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик, иймон-эътиқод, ватанни севиш, уни қадрлаш, ота-онани ҳурмат қилиш, она-табиатни эъзозлаш каби умуминсоний фазилатларни мадҳ этувчи қўшиқларни ўрганиш ва куйлаш ўз-ўзидан ёшлар қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотиши, уларда инсоний фазилатларларни шаклланишига бадиий-эмоционал таъсир этиши шубҳасиз. Чунки, бадиий етук, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жуда кўплаб Андижон вилояти ўзбек халқ ижодиётига мансуб куй-қўшиқлар, мумтоз мақом ва ашулалари бевосита халқнинг яратувчилик қудратини маҳсули бўлиб, уларнинг тарбиявий таъсир кучи энг аввало улар мазмунидаги гўзаллик, улуғворлик, жўшқинлик, тушкунлик, ғамгинлик, маъюслик ҳис-туйғуларини уйғотувчи хусусиятларга эга эканлигидадир. Бундай асарларни тинглаш, таҳлил қилиш, яратилиш тарихи, моҳир ижрочилари, ғоявий-бадиий мазмуни ҳақидаги суҳбатлар ўқувчи-ёшлар қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотади, идеал образлар тимсолидаги олийжаноб фазилатларни эгаллашга илҳомлантиради.

Халқ қўшиқлари ўзининг шакл ва жанр хусусиятларига кўра сертармоқли бўлиб, улар орасида алла, ашула, ялла, лапар ва болалар фольклор қўшиқлари оммавийлиги билан ажралиб туради. Масалан, инсон ҳаётида биринчи эшитган айтими – бу алладир. Алла оналарнинг дил туридан сизиб чиққан эзгу-умидлари, фарзандини келажаги ҳақидаги ширин орзуларининг ифодасидир. Алланинг сеҳрли қудрати ҳақида буюк аллома Абу Али ибн Сино шундай ёзади. “Болани мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун зарур мусиқали алладир. Бу икки нарсани қабул миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”.

Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодида кенг тарқалган ялла ва лапарлар ўзининг қувноқлиги, шўхчанлиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги, рақсбоплиги билан кишиларда қувноқ кайфият ҳосил қилади, уларни руҳини

---

[6] Каримов И. “Юксак маънавият енгилмас куч”. –Т.: “Маънавият”. -2008-йил, 30-бет.

тетиклаштиради, меҳнат ва ижод қилишига илҳомлантиради. Фольклор қўшиқларида эса халқ ҳаётининг турли кўринишлари ўзининг бадиий ифодасини топган. Фольклор сўзини “халқ”, “донишмандлик” деган маънони билдиришини ўзи ҳам бежиз эмас. Қадим-қадимдан турли касб эгалари томонидан ҳар бир касб, меҳнат тури, табиат, фасллар, оилавий расм-русумлар, мавсум-маросимлар билан боғлиқ фольклор мусиқалари замирида халқ донишмандлигининг ўзига хос бадиий инъикоси мужассамлашган. Бундай мусиқа асарлари ўқувчи-ёшларда ўзи мансуб бўлган халқнинг тарихи, тили, урф-одатлари, боқий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром, қадрлаш ва ворислик қилиш туйғуларини уйғотади. Болалар қўшиқлари эса ўзида болаларнинг руҳий олами билан катталар (шоир, бастакор) дунёқарашининг уйғунлашуви остида шаклланиб келган бўлиб, уларнинг аксарияти маълум бир ҳаракатли ўйинлар орқали ижро этилади. “Зув-зув борағай”, “Оқ теракми кўк терак”, “Арғамчи”, “Чиллак”, “Ҳалинчак”, “Рамазон”, “Ким олади-я, шугинани-я”, “Ойижон” каби қўшиқлар шулар жумласидандир. Бу каби қўшиқларни кичик ёшдаги ўқувчи-ёшларга ўргатиш орқали таълим сифат-самарадорлигини таъминлаш, унинг мазмунини бойитиш ва ўқувчиларни маънавий, бадиий, эстетик камолотини шакллантириш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, болалар фольклор қўшиқларининг аксарияти бирон-бир ҳаракатли ўйинларни бажариш орқари ижро этиладики, бу хусусият болаларда топқирлик, зукколик, эпчиллик, мақсад сари интилиш, иродани чиниқтириш каби ҳислатларни шаклланишига ижобий таъсир этади. Шуни унутмаслигимиз керак-ки, халқ қўшиқларидан тарбиявий мақсадларда фойдаланишда уларни бадиий етуклиги, ғоявий мазмунига кўра тарбиявий-таъсирчанликка эга намуналарига эътибор бериш, ўқувчи-ёшларни турли ёш даврларига, овоз диапозони, куйлаш имкониятларига мос келишига кўра танлаш энг муҳим педагогик талаблардандир. Аксинча, енгил-елпи, бадиий саёз қўшиқлар эса бола қалбини ҳис этиш туйғусини, эстетик дидини ногирон қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун илк мактаб ёшлариданоқ чинакам санъат асари бўлган халқ ижодига хос қўшиқлар билан енгил-елпи, “бир эшитгулик” қўшиқларни фарқлаш, унга нисбатан ўз муносабатларини билдира олишдек кўникма ва малакаларини шакллантириб бориш мусиқий-эстетик тарбиянинг долзарб вазифаларидандир.

Бугунги кунда фан-техниканинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши таъсирида санъат оламида ҳам мусиқали клиплар, ўзига хос, баъзида унча-мунча одамни тушуниши қийин бўлган йўналиш ва кўринишларини юзага келиши ва “мода” тусига кириши авж олиб бормоқда. Кўпгина ёшлар ўзлари сезмаган ҳолда бундай енгил-елпи, ҳеч қандай бадиий сифат, шакл ва мазмунга эга бўлмаган, айниқса, бизнинг халқимиз руҳиятига

мос бўлмаган, бемани тасвирлар билан безатилган оҳанглар таъсирига тушиб қолаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бу ҳақда радио, телевединеда, оммавий ахборотларда кўп гарилса-да, амалий ишлар кўнгилдагидек эмас. Мусиқанинг ҳаётбахш жозибаси, қудратли таъсир кучи, айниқса баркамол авлодни тарбиялашдаги бунёдкор кучи ҳақидаги фикрларимизни Ўзбекистон Республикаининг Биринчи президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди: "... агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам "Шашмақом" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади"[1]. Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодидаги халқ қўшиқлари муқаддас мерос. Ана шу бой меросдан баркамол авлодни бадиий-эстетик ва маънавий тарбиясида имкон қадар кенг ва мақсадли фойдаланиш бугунги кунда ушбу йўналишдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган мусиқа ўқитувчилари, мактагача ва мактабдан ташқари муассаса раҳбарлари, тарбиячиларининг муқаддас бурчларидан биридир.

Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётини тадқиқ этар эканмиз ушбу халқ ижодиётини гуллуб-яшнаши, ривожланиши ва аҳоли орасида оммавийлашида ўзларининг муносиб хизматларини кўрсатиб келган Комилжон Жабборов, Т.Жалилов, Собир Исомиддин ўғли Каримҳожи, А.Маллабаев вазбек Ғанижонович, Фаттоҳхон Мамадалиев Мамадазиз Ниёзов, Плунгян Вера Зиновьевна, Ғанижон Тошматов, Авазбек Махмудов, Ғуломжон Хожиқулов, Муножот Йўлчиева ва Озодбек Назарбековлар номини тилга олмай иложи йўқ. Улар яшаб ўтган давр бугунги ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиши шубхасиз. Шу сабабли ҳам уларнинг айримоларини ҳаёт ва ижод йўлидан қисқа сатрларда маъумотлар бериб ўтди.

Тўхтасин Жалилов (1896-1966). Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор, созанда Тўхтасин Жалилов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида катта ўрин эгаллади. Беназир маҳорат билан ажойиб қўшиқ, лирик ашула ва рақс куйлари, қирққа яқин мусиқали драма ва комедия, «Тоҳир ва Зуҳра» (Б.Бровцин билан ҳамкорликда) номли опера яратиб, республикамизда мазкур жанрларнинг тараққий этишига улкан ҳисса қўшди. Устоз ижодий изланди, тинмай меҳнат қилди, кўп қиррали ижодий, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан мусиқа санъатида чуқур из қолдирди. Шуни айтиш жоизки, у етиштирган юзлаб шогирдлар ҳам Ўзбекистон мусиқа санъатининг равнақи

йўлида фаолият кўрсатмоқдалар. Бу улуғ инсонни санъаткор аҳли ва халқимиз ҳурмат қилиб «Уста» деб эъзозлайди.

Тўхтасин Жалилов 1896 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топди. Ўн ёшидан Юсуфжон чангчи бошчилигидаги санъаткорлар билан халқ сайилларида, қишлоқ ва шаҳардаги тўй маросимларда қатнаша бошлади. Мусиқий мерос сирларини қунт билан устоз ва дўстларидан ўрганди. “Ташвиқот араваси” ансамбли жамоасида Ёқубжон чангчи, Ашурали Охун дуторчи, Ғазат Охун ғижжакчи, Зокир эшон доирачи, Орифжон дуторчи, Ҳайит Охун танбурчи, Рустам меҳтар сурнайчи, Исмат карнайчи, Сайфи қайроқчи, Беркинбой Файзиев, Деҳқонбой ҳофизлар бор эди. Мазкур жамоани аввал Ориф Тошматов (Ориф гармон), сўнг Т.Жалилов бошқардилар. 1923 йили Москвада ўтказилган ҳунармандлар кўргазмаси концерт дастурида Т.Жалилов ҳам қатнашди. 1925 йилдан Ҳамза тузган Фарғона театр труппасида ишлади, кейинги йили машҳур санъаткор М.Қориёқубов Самарқандда ташкил этган Ўзбек давлат этнографик ансамблига таклиф қилинди. 1927 йили ансамбль билан Москва, Санк-Питербург, Боку, Қозон ва Уфа шаҳарларида ўтказилган гастрол концертларида бўлди. 1928 йил Андижондаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрига мусиқа раҳбари вазифасига таклиф қилинди. Мазкур театрда Т.Жалилов “Лолажон” (К.Яшин пьесаси), “Қашқар қизи”, “Ойхон” (С.Абдулла пьесалари), “Ўртоқлар” (К.Яшин пьесаси), “Ҳалима” (Ғ.Зафарий пьесаси), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” (Ш.Хуршид пьесалари) спектакллари учун куй, қўшиқ ва ашулаларни халқ мусиқа меросидан танлаб олди ижро этилишини таъминлади.

Т.Жалилов Ўзбек давлат мусиқали театрининг мусиқа раҳбари этиб тайинланди. Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима”, К.Яшиннинг “Ўртоқлар” пьесалари ҳамда концерт дастури устида ижодий иш олиб борди. Мазкур спектакллар мусиқасини қайта ишлади. 1936 йили Лондонда ўтказилган жаҳон рақс фестивалида Т.Жалилов, М.Қориёқубов, Тамарахоним ва Уста Олим Комиловлар қатнашиб, қўш мукофотларга сазовор бўлдилар. 1936 йилда Тошкентда Ўзбек давлат филармонияси М.Қориёқубов раҳбарлигида ташкил топди. Филармония жамоаларида Москвада ўтказиладиган Ўзбек санъат ва адабиётининг биринчи декадасига тайёргарлик қизғин бошланиб кетди. Т.Жалиловга 120 кишидан иборат бўлган Ўзбек ашула ва рақс ансамблини ташкил этиш ва бошқариш вазифаси топширилди. Мазкур ансамбль устоз раҳбарлигида Москва, Озарбайжон, Украина ва Белорусия бўйлаб гастрол сафарларида бўлди. 1939 йилнинг охирида Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри ташкил топди. Мазкур театрга Т.Жалилов раҳбар этиб тайинланди. Унинг бастакорлик фаолияти бу ерда янада

самаралироқ бўлди. У драматург С.Абдулла билан ҳамкорликда 1939 йилда яратган “Тоҳир ва Зуҳра” мусиқали драмасини саҳналаштирди. 1941 йили “Қурбон Умаров” (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Шперлинг билан ҳамкорликда), 1942 йили “Нурхон” (К.Яшин пьесаси, композитор Г.Собитов билан ҳамкорликда), 1943 йили “Ўзбекистон қиличи” (Ҳ.Олимжон пьесаси, К.Яшин, Уйғун ва Н.Погодинлар, бастакорлар Т.Содиқов, М.Бурҳонов, Н.Ҳасанов, Климов ва Вайнберглар ҳамкорлигида), 1943 йили “Асрлар” (Уйғун пьесаси, композитор Б.Надеждин билан ҳамкорликда), 1945 йили “Ғунчалар” ва 1947 йили “Орзу” (С.Абдулла пьесаси, композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда), 1949 йили “Алпомиш” (С.Абдулла пьесаси, композитор Б.Надеждин билан ҳамкорликда), 1949 йили “Муқимий” (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Мушель билан ҳамкорликда), 1952 йили “Нурхон”нинг мусиқаси Г.Собитов билан, 1953 йили “Тоҳир ва Зуҳра”нинг мусиқаси Б.Гиенко билан қайта таҳрир этилган, 1956 йили “Сурмахон” (Б.Раҳимов пьесаси, композитор Л.Степанов билан ҳамкорликда), 1957 йили “Равшан ва Зулхумор” (К.Яшин пьесаси, композитор Г.Мушель билан ҳамкорликда), 1957 йили “Истибдод” (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Собитов билан ҳамкорликда), 1962 йили “Фарғона ҳикояси” (Ҳ.Ғулом пьесаси, композитор Б.Зейдман билан ҳамкорликда), 1962 йили “Дала маликаси” (Жалол Машрабий пьесаси) ва 1949 йили Б.Бровцин билан ҳамкорликда “Тоҳир ва Зуҳра” операсини яратди. 1977 йили шу опера қайта таҳрир этилди.

Ўзбек мусиқа меросининг билимдони Т.Жалилов йиллар давомида ижодий изланди, янгиликка интилди ва ноёб мусиқий асарлар басталади. Унинг замонавий услубда яратган илк куйи “Сигнал”, қўшиқларидан “Ер экканники”, “Оқ олтин”, (Камтар сўзлари), “Довруғ” (К.Аҳмадий сўзи) бўлган. У Ватанни мадҳ этди, инсоннинг орзу-умидлари, инсон муҳаббати каби нафис ҳис-туйғуларини қўшиқ ва ашулаларида ифода этди. Унинг “Эй, ҳур Ватан”, “Азим Ватан”, “Она Ватан”, “Фарҳод қаҳрамонлари”, “Олдинга бос, болам”, “Ялла” (Уйғун сўзи) каби қўшиқлари ўзбек қўшиқчилик санъатига замон руҳига мос келадиган янги оҳанглар олиб келди. Булардан ташқари “Кокилинг”, “Куйласам” (Уйғун сўзлари), “Баҳор айёмида” (Фурқат шеъри), “Гулистоним менинг” (Муқимий шеъри) каби лирик ашулалари муаллифнинг улкан салоҳиятидан далолат беради. Устознинг “Тўйлар муборак” қўшиғисиз эса ўзбек тўйларини тасаввур этиш қийин. Шуни айтиш жоизки, устоз Т.Жалилов улкан маънавий-мусиқий мерос қолдирган. Шу билан бирга у эл-юрт ҳурматига сазовор ажойиб фарзандларнинг отасидир. Тўнғич ўғли Холхўжа Тўхтасинов (1919-1971 й.) моҳир ғижжакчи, дирижёр, бастакор сифатида танилди. Кенжа ўғли Деҳқон Тўхтасинов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртини хор-дирижёрлиги бўйича, Москва консерваторияси

ўзбек опера студиясини тугатиб, умрининг охиригача Фарғона мусиқали драма ва комедия театри дирижёри. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган эди. Қизлари Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилова Муқимий номидаги мусиқали театрнинг етакчи актрисаси эди. Холида Жалилова Тошкент давлат консерваториясининг вокал факультетини битириб, Тожикистон радиосида хонанда ва мусиқа билим юрти муаллимаси бўлиб ишламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов узоқ йиллар давомида филармонияда етакчи ғижжакчи-созанда бўлиб ишлади. Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривожлантиришда кўрсатган улкан хизматлари учун 1937 йилда Тўхтасин Жалиловга "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилган. 1946 йили Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган.

Мамадазиз Ниёзов (1907-1970). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва бастакор Мамадазиз Ниёзов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1940 йилда қабул қилинган. Санъаткор ўзининг турли мавзуларда мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига басталаган ранг-баранг, жозибали қўшиқ, ашула, ялла, лапар, рақс куйлари, ижрочилик маҳорати ва ташкилотчи-раҳбарлик фаолияти билан танилган.

Мамадазиз Ниёзов Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида 1907 йили туғилди. Мамадазиз болалигидан мусиқага қизиққан, дутор, ғижжак чалишни ўрганган. 1926 йили туманда театр ва "Қизил чойхона" очилгач, Мамадазиз созанда сифатида ишга таклиф қилинади ва чойхоначилик қилади. Бу ерга машҳур бастакор ва созанда Тўхтасин Жалилов Андижон вилояти мусиқали театри билан гастролга келади. Меҳмонларга ёш ҳаваскорлар концертини намойиш этишади. Шунда Мамадазиз дутор жўрлигида қўшиқ айтиб беради. Бастакор Т.Жалилов уни ўзи билан театрга олиб кетади. Шу йилдан бошлаб унинг тақдирида кескин ўзгариш рўй беради. 1926-1932 йилларда М.Ниёзов Андижон вилоят мусиқали драма театрида хонанда ва созанда бўлиб ишлади, куй ва қўшиқларни басталашга ҳам уринди. 1926-1932 йилларда театрда ишлаш билан бирга Рабфакда кундузги бўлимда ўқиди. 1932 йили Ўш ўзбек театрига мусиқа раҳбари лавозимига таклиф этилади. 1934 йили эса Республика давлат мусиқали театрига таклиф қилинди. 1937 йили Ўзбекистон санъат бош бошқармасининг буюртмаси билан янги ташкил топаётган Республика колхоз-совхоз театрига мусиқа раҳбари лавозимига тасдиқланди ва шу театрда 1940 йилгача ишлади. 1940-1941 йилларда Ўзбек давлат филармонияси таркибидаги Тамарахоним ансамблида созанда бўлиб ишлади. 1942 йилнинг февралидан июл ойигача Республика давлат болалар театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. 1942-1944 йилларда Ўзбек давлат циркида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. 1944-1962 йилларда Ўзбек филармонияси,

Ўзбек эстрадаси, Ўзбекистон радиосида созанда, мусиқа раҳбари вазифаларида ишлади. Шу билан бирга, 1940 йили композитор Р.М.Глиэр бошчилигида ташкил қилинган бастакорлик курсида ўқиди. 1943 йилнинг мартида Тожикистон Республикаси Санъат бош бошқармасининг илтимосига биноан Душанбе шаҳрида колхоз-совхоз театрида концерт дастурини тайёрлашга ёрдам берди. 1960-1962 йили Ўзбекистон Санъат бош бошқармаси маданият саройида, 1962-1964 йили Тошкент давлат университетининг маданият саройида, 1964-1965 йили Республика маданият уйидаги ўзбек ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилди. 1965 йилдан ҳаётининг охиригача маданият саройига бошчилик қилди. Мазкур жамоаларнинг репертуар дастурларини бойитишда ўзи ҳам улар учун қўшиқ ва рақс куйларини яратган.

М.Ниёзов уруш даврида ватанпарварлик мавзусида “Олға бос” (Ю.Ҳамдам сўзи), “Янчамиз” (Ҳ.Олимжон сўзи), “Яхши бор” (Соқий сўзи), “Салом онажон фронтдан” (Камтар сўзи) “Ғунчалар” (Ғ.Фатхулин сўзи), “Пахтакорим” ва “Кетма, жоним” (М.Қориев сўзлари), “Лочинлар” (Мирзаев сўзи) каби қўшиқлари У.Исмоилов пьесаси асосида Ҳ.Олимжон сценарийси бўйича Чустий, Ходи Шоди ва Ҳ.Олимжон сўзларига қўшиқ ва куйлар яратган. М.Ниёзов 100 дан ортиқ қўшиқлар яратди. “Мубтало бўлдим сенга, ва “Кўнглим ўртансин агар” (Навоий сўзлари), “Хол бўлсам” (Ҳ.Олимжон сўзи), “На гўзалсан” (Миртемир сўзи), “Ҳунармандлар”, “Зар дўппи”, “Кийим” (Т.Тўла сўзлари), “Ўзбекистонга келинг”, “Даврimиз”, “Тожикистонсан”, “Мирзачўлга кел” (А.Пўлат сўзлари)” “Гулим қизим”, “Андижоним”, “Жоним Навоий кўринг” (Ҳабибий сўзлари)” “Саодатли диёримсан” (К.Махсум сўзи), “Жоним Тошкентим”, “Боғбон йигит”, “Онамга”, “Яхши йигит, яхши қиз” (П.Мўмин сўзлари), “Шаҳло кўзлар”, “Жамолингга тўймайман” (Ё.Мирзо сўзлари)”, “Ҳур Ўзбекистон”, “Жоним пахтазор” (М.Раҳмон сўзлари), “Жон Ўзбекистон” (Миртемир сўзи), “Бас” (А.Фаттоҳ сўзи), “Нурли гулистон” (В.Абдулла сўзи), “Сайр этайлик”, “Кеча” (Ҳ.Яҳё сўзлари) ва бошқалар. Қўшиқлардан ташқари бастакор турли чолғулар ва ансамбллар учун куйлар, рақс куйлари ва ашула-рақс сюиталари яратди. Мамадазиз Ниёзов 1965 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони билан тақдирланди.

Ғанижон Тошматов (1913-1994). Ўзбекистон халқ артисти, созанда-ғижжакчи, устоз, жамоат арбоби, бастакор Ғанижон Тошматов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёркин из қолдирди. Бу ажойиб инсон ўзбек ва уйғур халқларининг мусиқий меросини, ижрочилик ва бастакорлик санъат анъаналарини давом эттириб, эл-юрт ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Ғанижон Тошматов Андижон вилояти Асака туманида 1913 йилнинг 22 июнида таваллуд топди. Болалигидан мусиқага қизиқди, отасидан ва акаларидан соз чалишни, 1930-1932 йилларда Андижондаги машҳур

санъаткор Собиржон Сиддиқовдан ғижжак чалишни ўрганди. 1932 йилда Ғанижон устозининг маслаҳати ва тавсияси билан Й.Охунбобоев номидаги Андижон вилояти давлат мусиқали драма театрига ғижжакчи сифатида ишга кирди, машҳур созанда ва бастакор, ушбу театр мусиқий ансамблининг раҳбари Т.Жалилов ва бошқа санъаткорлар билан танишди. Ғанижон Тошматов 1934 йили Фарғона вилояти мусиқали драма театрига таклиф қилинди. 1936-1939 йилларда ушбу театрнинг чолғу ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. 1939 йили Тошкентда Муқимий номидаги республика мусиқали театри ташкил этилиши муносабати билан Ғанижон Тошматов ушбу жамоага таклиф этилди ва 1946 йилга қадар мазкур театрда ишлаб яхши тажриба орттирди. 1946-1953 йилларда у Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблига раҳбар этиб тайинланди. 1953-1957 йилларда Ўзбек давлат филармонияси ва Ўзбек давлат эстрадаси концерт жамоаларида созандалик қилди. 1952-1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида ўқиди. 1957 йили Ўзбекистон радиоси қошида ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил этилиши муносабати билан Ғанижон Тошматов концертмейстерлик лавозимига таклиф қилинди ва созанда сифатида 1967 йилга қадар ишлаб келди. 1967 йилда Ғанижон Тошматов Ўзбекистон радиоси қошида Уйғур мусиқаси, 1978 йили Ўзбек этнографик ансамблини ташкил этиб уларга бошчилик қилди. Бир йил ўтгач яна шу ерда Дуторчи қизлар ансамблини ташкил қилди ва унга раҳбар бўлди. Ҳозирда Ғанижон Тошматов номи билан аталувчи Дуторчилар ансамбли республикамиздаги машҳур мусиқий жамоалардан биридир. 1987-1988 йилларда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб ишлади.

Ғанижон Тошматовнинг созандалик ва бастакорлик соҳаларида ўзбек миллий санъатига қўшган ҳиссаси ниҳоятда каттадир. У халқимизга энг аввало моҳир созанда сифатида танилди. Унинг ижросида янграган “Ушшоқ”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Насри Сегоҳ”, “Уфори Насри Сегоҳ”, “Чапандози Баёт”, “Фарғона Бузруги”, “Сурнай Бузруги”, “Наврўзи Ажам” каби мақом чолғу йўллари билан бирга “Яланг Дарон”, “Нисор”, “Тонг отгунча”, “Кўнгилсан”, “Ёрим келур”, “Тановар”нинг бир неча турлари ва ўзи басталаган “Гулжамол”, “Кезарман” ва бошқа куйларни юксак маҳорат билан чалгани мусиқа шинавандалари қалбини янада завқлантиради.

Ғанижон Тошматовнинг композиторлик фаолияти Фарғона вилоят мусиқали драма театрида устози Тўхтасин Жалиловнинг унинг маслаҳати билан “Лайли ва Мажнун” (1935 й.) ҳамда “Фарҳод ва Ширин” спектаклларини саҳнага қўйилишида ва уларга ўз куйларини қўшишдан бошланди. Шуни айтиш жоизки, Ғанижон Тошматовнинг бастакорлик

ижодида қўшиқ, ашула, яллалар устувор ўрин тутади. У мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига асосланиб 400 дан ортиқ асарлар яратди. Унинг ашулаларидан “Истадим”, “Кезарман”, “Эй бегим” (Навоий шеърлари), “Гулжамол”, “Қора зулфинг” (З.Бобур шеърлари), “Ҳай-ҳай на санам” (Машраб шеъри), “Қоши қароси” (Халқ сўзи), «”Менга номеҳрибон бўлди” (Ҳувайдо шеъри), “Соғиниб” (Ҳамза шеъри) кабилари мумтоз асарлар қаторига қўшилган. “Совға”, “Гулшан диёрим”, “Ҳазрати инсон”, “Наврўз”, “Машъал Тошкентим”, “Алёр”, “Қиз узатдик”, “Гулшанимда”, “Тоғ бошида рўмолим қолди”, ”Дойра дум-дума”, “Янги лазги”, “Ёрга мактуб”, “Огоҳ ўзинг”, “Янгича ёр-ёр”, “Пахтазорда кўрдим”, “Соҳибжамол”, “Кел, ёрим”, “На гўзалсан”, “Лапарчи қиз қўшиғи”, “Кўнглим сендадир”, “Сирдарё қизи”, “Раққоса хиром айлар”, “Чаман базмида”, “Гуллар” каби қўшиқ ва ашулалари ҳам тингловчиларнинг қалбида жой олган.

Ғ.Тошматов Уйғур этнографик ансамблига раҳбарлик қилган йиллари бутун куч ва эътиборини ансамблнинг ижро савиясини кўтаришга қаратди, ўн иккита уйғур мақомини тиклашда ва тасмага ёзиб олинишида бош-қош бўлди. Шу ансамбль учун “Уйғур кизлери”, “Кўзларинг”, “Саратонда хатлар ёзиб” ва бошқа ашула ва қўшиқларни, “Андижон санами” номли уч қисмли вокал-рақс сюитасини яратди. Ўзбек халқ мусиқаси мероси хазинасидаги унутилаётган кўплаб терма қўшиқ, ялла, лапар ашулаларини тиклаб, дуторчилар ансамбли репертуарини бойитди. Шунингдек, Ғ.Тошматов турли ансамбллар учун бир неча вокал-хореографик сюиталар, 1965 йили композитор Б.Зейдман билан ҳамкорликда Муқимий номидаги мусиқали театр учун “Қариқиз” (Т.Тўла пьесаси) мусиқали драмасини яратди. Ажойиб инсон, атоқли санъаткор ва устоз Ғ.Тошматов 1930 йиллардан бошлаб Юсуфжон-қизиқ, Охунжон-қизиқ ва бошқа сўз санъати усталари, ҳофиз ва бастакор Жўрахон Султонов билан биргаликда аския санъатини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг бир неча ҳажвиялари адабий тўпламлар ва журналларда чоп этилган. Композиторнинг мусиқий асарлари ва аския намуналари Ўзбекистон радиоси томонидан тасмаларга ёзиб олинган. Уларни ижро жамоалари билан бирга Франция, Бельгия, Ҳиндистон, Индонезия, Руминия, Болгария, Туркия, Греция, Миср ва бошқа мамлакатларда намойиш қилган. 1965 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1973 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонлари, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Фаттоҳхон Мамадалиев (1923-1999). Ўзбекистон халқ ҳофизи, созанда бастакор, устоз-мураббий, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1991 йил қабул қилинган. Бу нодир истеъдод соҳиби, самимий инсон ҳофизликда ўзининг ширали ва дардли овози

билан ўзбек халқининг маънавий мулки бўлмиш мумтоз ашула, катта ашула ва мақом намуналарини маромига етказиб ижро этиши туфайли танилди, халқ меҳрини қозонди. Унинг “Мискин”, “Муножот”, “Ушшоқ”, “Насруллойи” каби туркумларни қайта ишлаши, “Қадимги Ушшоқ”, “Умрзоқ Полвон Ушшоғи” ва “Зикри Ушшоқ” мақом йўлларини қайта тиклаши, “Савти” Фаттоҳхон туркумини басталаши мусиқа санъатимизда катта воқеа бўлди. Фаттоҳхон Мамадалиев Андижон вилояти Балиқчи туманининг эски Ҳаққулобод қишлоғида 1923 йили таваллуд топди. Оиланинг 7 фарзанди орасида Фаттоҳхон болалигидан мусиқага қизиқди, меҳр қўйиб улғайди. 1931 йилдан умумтаълим мактабига ўқишга борди. Туман маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагида танбур, дутор чертишни ўрганди ва қўшиқ ижрочилиги билан ажралиб турди. Бошланғич мактабни 1938 йили битирган пайтида, ҳаваскорлар Концертини кўрган машҳур ғижжакчи санъаткор, туманда эндигина очилган театр раҳбари Мўминжон Каримов эътиборини ёш Фаттоҳхоннинг ашула айтишига қаратди. Катта мусиқий санъатга кириб келиш илк даврини Фаттоҳхон Мамадалиев шундай эслаган “Концерт тугагач, бўлғуси устозим Мўминжон Каримов мен билан алоҳида суҳбатлашди, бошқа қўшиқ ва ашулаларни айттириб кўрди, ўзи ғижжаги билан жўр бўлди ва театрга ишга таклиф қилди. Устозим билан бўлган ана шу қисқа, ҳаяжонли мулоқот менинг келгуси ҳаётимда, тақдиримда бурилиш бўлди. Театрга ишга кирдим ва устознавозлик мусиқий санъатига илк қадамимни қўйдим. Иш жараёнида менга устозим овозни сўзга тушириш, шеърият тузилиш қонунларини, турларини, ашула ва қўшиқ учун уларни танлаш, ашула айтганда бурро талаффуз этиш, қочиримларни безаб куйлаш каби йўлларни қунт билан ўргатди. Улуғ ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов ва бошқа ҳофизларнинг ижрочилик нафас йўлларини ўрганиш ва ўз услубини топиб олишга маслаҳатлар берар эдилар. Булар ҳаммаси мен учун ҳақиқий мактаб бўлди. Отам раҳматлик адабиётни, шеъриятни, ҳофизлар санъатини жон-дилидан севар эди. Дўст-улфатлари орасида буюк алломаларнинг шеърий китобларидан завқланиб ёддан ўқир эди. Отам ва онам менинг ҳофиз бўлишимни орзу қилишар эди”, -деб хотирасини тамомлаган эди. Ф.Мамадалиев санъаткор сифатида шаклланишида юқорида зикр қилинган омиллар билан бирга Умрзоқ Полвон Сайидали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиевлар катта роль ўйнади.

1950 йиллардан бошлаб Ф.Мамадалиевнинг ҳофизлик, бастакорлик, мураббийлик фаолияти кенг қулоч ёза бошлади. 1963-1968 йилларда у Андижон давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини битирди. 60-йилларнинг бошларида Ф.Мамадалиев кучли ва юқори

диапазонли овозни талаб қиладиган “катта ашула”ни поёнига етказа билиш қобилияти, куй ва сўз узвийлигини ашулада таъминлаш маҳорати билан Ўзбекистон халқ артисти Ю.Ражабий назарига тушди. Ф.Мамадалиев шундай эслайди: “Кунларнинг бирида Юнус ака билан узоқ мулоқотда бўлиб қолдик. Бу улуғ инсон ва устоз менга мурожаат қилиб “Фаттоҳхон, ўзингизни мақом санъатида ҳам синаб кўрмайсизми? дедилар. Уддалай олармикинман, устоз? деб жавоб бердим”. “Мени билишим ва сезишимча қўлингиздан келади. Агар ўз устингизда астойдил ишласангиз”, деб далда бердилар. Бизнинг устозларимиз мусиқий санъатимиз хазинасининг бебаҳо жавоҳири бўлган буюк мақом санъатини бизга ўргатиб, қарз қилиб кетдилар. Биз ҳам кейинги авлодларга етказишимиз ва ўргатишимиз лозим”, деган сўзлар менга жуда ҳам таъсир қилди. Шу ажойиб унутилмас суҳбатдан кейин мақом йўлларини ўрганишга астойдил киришдим. Имкониятим борича Фарғона-Тошкент мақом ва Шашмақом йўл услубларини ўзлаштириб бордим ва яхши натижаларга эришдим. Хоразм мақом йўллари билан Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев ва дўстим Рўзимат Жуманиёзов каби машҳур санъаткорларнинг ижроларида танишишга муяссар бўлдим”.

Табиатан зеҳни ўткир, мусиқий қобилияти кучли, фалсафий дунёқараши кенг Ф.Мамадалиев мумтоз мақом санъати асосларини ҳам мукаммал ўзлаштирди ва Андижон шаҳар маданият уйида ўзи тузган “Мақомчилар ансамбли” билан халққа хизмат қилди, республика ва халқаро анжуманларда, концертларда, кўрик-танловларда фаол қатнашди. Биринчи гал бу ансамбль 1972 йили “Марҳабо, талантлар!” республика телетанловида “Қашқарчаи Мўғулчаи Дугоҳ” ва “Соқийномаи Мўғулчаи Дугоҳ” ижроси учун энг юқори баҳога сазовор бўлган эди. 1973 йили Алмати шаҳрида ўтказилган “Осиё мусиқа минбари” халқаро анжуманида республикамизнинг мусиқа санъати шарафини намойиш қилган эди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган мусиқашунослик симпозиумларида қатнашди. Андижон вилоятининг Хўжаобод, Избоскан туманлар маданият уйларида, Андижон давлат педагогика институтида “Мақомчилар ансамбли” жамоаларини ташкил қилди, кейинчалик уларга мураббийлик ва маслаҳатчилик қилиб турди. 1985 йили М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси кафедрасига ишга таклиф қилинди. Мазкур кафедрада дастлаб доцент лавозимида ишлаб, 1993 йили профессор илмий унвонига эга бўлди. Ф.Мамадалиев басталаган кўплаб ашулалар орасида “Интизор” (Улфатий сўзи), “Оқибат”, “Соғиндим”, “Фалак”, “Меҳмон”, “Жудо келди” ва “Юзин ҳажрида” (Нодира сўзлари), “Аҳд қилдим” (Муқимий сўзи), “Жононим менинг” (Ҳайратий сўзи), “Орзу” (В.Саъдулло ғазали), “Сўрмаса”, “Каломингдан” ва “Дилкушо” (Ҳ.Азимов сўзи), “Ўлмағай” (Навоий ғазали),

“Кўнгил” (Х.Яҳёев сўзи), “Раъно гуллар” ва “Соғинурман” (О.Холдор сўзи) каби ўнлаб ноёб ашулалари мухлислар кўнглидан чуқур жой олди. У 1983 йили Самарқандда ўтказилган 2-мусиқашунослик симпозиумида, 1990 йили Душанбе шаҳрида Борбад таваллудининг 1400 йиллигига бағишланган халқаро симпозиумда, 1991 йилда ўтказилган бир неча концерт дастурларида, 1998 йили Пхеньян (КХДР)да ўтказилган Осиё мусиқа минбарида ва бошқа халқаро анжуманларда якка ижрочиликда мумтоз ашула ва мақомлари, ўзи яратган ашулалари билан тингловчиларни мафтун қилди. Айниқса, мумтоз мусиқа фестивалида ижро этган унинг “Дарди дилим” ашуласи қатнашчиларни лол қолдирди. Моҳир ҳофиз, бастакор, устоз-мураббий ва жамоат арбоби Фаттоҳхон Мамадалиев республикамиз миллий мусиқа санъатининг ривожи йўлидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. 1981 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1990 йили “Ўзбекистон халқ ҳофизи” фахрий унвонлари, “Меҳнат шуҳрати” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган.

Собир Каримҳожи (1934-2002). Таниқли композитор ва педагог Собир Каримҳожи уюшма аъзолари сафига 1968 йили кириб келди. Санъаткор ранг-баранг мусиқий асарлар яратиб, республикамиз замонавий мусиқаси ривожланишига баракали ҳисса қўшган.

Собир Исомиддин ўғли Каримҳожи 1934 йили 1 майда Андижон шаҳрида туғилган. 1949-1955 йилларда мактаб-интернатида фортепиано синфида сабоқ олган. 1955-1959 йилларда Душанбе давлат мусиқа билим юртида таълим олди. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш факультетига ўқишга киради. Аввал профессор Б.Б.Надеждин синфида, у 1961 йили вафот этгандан сўнг профессор Б.И.Зейдман синфида таҳсил олди.

Консерваторияни С.Каримҳожи 1965 йили муваффақиятли битирди ва мустақил ижодий жараёнга отланди. Консерваторияни битиргач, 1965-1966 йиллари Ўзбекистон Маданият вазирлигининг санъат бош бошқармасида бош муҳаррир лавозимида ишлади. 1966-1969 йиллар консерваторияда дарс берди. 1969-1970 йиллар Т.Шевченко номидаги Тожикистон давлат педагогика институтининг “Санъат” кафедрасида, 1970-1972 йиллар Тошкент давлат консерваториясида ишлади. 1972-1973 йиллар Тошкент шаҳар мусиқа мактабида дарс берди. 1973-1975 йил М.Уйғур номидаги Тошкент театр ва санъат институтининг мусиқа кафедрасида ишлади. 1975-1994 йилга қадар А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб нафақага чиқди.

Композитор С.Каримхожининг ижодий фаолияти талабалик давридан бошланди. У мусиқанинг турли жанр ва шаклларида бир талай асарлар ёзди.

Улар орасида фортепиано учун 7 та пьеса, вариация, соната, 4 та фуга; скрипка ва фортепиано учун 2 та пьеса, “Сўзсиз қўшиқ поэма”, флейта ва фортепиано учун 2 та пьеса, торли квартет учун “Квартет” ва 2 та пьеса мавжуд. Айниқса композиторни танитган “Восеъ қўзғолони” симфоник поэмаси; “Осиё садоси” симфонияси, труба ва фортепиано учун “Элегия-поэма” каби асарлари эътиборга лойиқ. Шуни айтиш жоизки, 1967-1970 йиллар труба ва симфоник оркестр учун яратган 2 та концерт, 1971 йили ёзган “Морис Равель хотирасига” симфоник-хореографияли поэма, 1976 йил флейта ва симфоник оркестр учун “Тоғ фантазияси”, 1980 йил най ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун “Концерт-фантазия”, 1986 йил виолончель ва симфоник оркестр учун “Симфония-концерт” каби йирик, миллий оҳанглар билан ажралиб турадиган бу асарлар композиторга шуҳрат келтирди. Унинг асарлари республикамизда, Тожикистонда, Қозоғистонда, Москва, Нижний Новгород, Таллин ва бошқа шаҳарларда кўп жаранглади. Айниқса, ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб яратган труба ва оркестр учун биринчи ва иккинчи концертлари жуда ҳам машҳур бўлиб кетди. Моҳир созандалар уларни ўз репертуарларига киритдилар. 2001 йил виолончель ва торли оркестр учун “Поэма” яратди. Композитор С.Каримҳожи ўтган йиллар давомида ўзига хос услубда камер чолғу ва овозли жанрларда жуда кўп жозибали мусиқий асарлар яратди: улар орасида фортепиано учун ёзган: “Рақс”, “Этюд экспромт”, тўртта пьеса, 5 қисмли “Dies irae” (Қиёмат куни) мавзусидаги 5 қисмли драматик сонатада жаҳонда содир бўлган даҳшатли фожиалар ўз ифодасини топган, “Мовий рангли гумбазлар” номли 8 қисмли вариациялар (1995-1996 йиллар), 6 та “Мусиқали лаҳза” (2000 йил), дутор альт ва фортепиано учун 8 та пьеса, скрипка ва фортепиано учун “Поэма-элегия” (1980 йил), “Соната-фантазия” (1992 йил)да қайта ишлаган най ва фортепиано учун Панжоб халқ куйлари асосида “Етти гўзал” пьесалари (1984 й.), афғон рубоби ва фортепиано учун “Муҳаббат рақси” пьесаси (1986 й.), флейта ва фортепиано учун “Концертино” (1987 й.) ва бошқа асарлар мусиқа шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлган. Улар мусиқа ўқув юртлари дастурларидан муносиб ўрин олган, айримлари чоп этилган.

Композитор тилга олинган асарлардан ташқари романс, қўшиқ, хор ва болалар учун қўшиқлар ҳам яратди. Айниқса, 1999-2000 йилларда тожик шоирлар сўзларига ёзган 12 та болалар учун қўшиқлар “Олами бачаҳо” номли тўплам, 1998 йил Ойбек сўзига ёзган “Капалак” болалар қўшиқлари, 1999 йил тожик шоирлари сўзига ёзган А.Омонов ва О.Раҳмоновларнинг қўшиқларини овоз ва фортепиано учун қайта ишлаган “Олами бачаҳо” 6 қисмли болалар қўшиқлари машҳур бўлиб кетди. Биринчи синф болалари учун 2001 йил тожик тилида “Мусиқали алифбо” яратди.

Вера Плунгян (1935-2017. Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, мусиқашунос В.З.Плунгян 2002 йилда уюшма аъзолари сафига қабул қилинди. У республикамиз мусиқа ҳаёти, ижодкорлар фаолиятига бағишланган китоб, мақола ва радиоэшиттиришлари билан танилди.

Плунгян Вера Зиновьевна Андижон шаҳрида 1935 йилнинг 19 августида таваллуд топди. Умумтаълим мактаби билан бирга болалар мусиқа мактабида фортепиано синфида ўқиди, 1952 йилда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. Айни пайтда 1953-1958 йилларда Тошкент давлат чет тиллар институтининг немис тили бўлимида таҳсил кўрди ва имтиёзли диплом билан битирди. 1956 йили В.Плунгян Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетига ўқишга кирди. У талабалар орасида биринчилардан бўлиб, “Особенности музыкального языка “Шашмакома” мавзуида диплом ишини ёзиб, 1961 йили ўқишни муваффақиятли битирди. 1964-1967 йилларда ёш мутахассис аспирантурада таҳсил кўрди. 1971 йили “С.Юдаков - создатель первой узбекской комической оперы” мавзуида ёзган диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари илмий даражасига эга бўлди.

В.З.Плунгян меҳнат фаолиятини талабалик даврида Т.Содиқов номидаги болалар мусиқа мактабидан бошлади. 1961-1966 йилларда йўлланма билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг услубий кабинетида ишлади. Айни вақтда 1961-1964 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтида ҳамда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ўқитувчилик қилди. Консерваторияда 1964 йилдан буён ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1972 йилдан доцент, 2003 йилдан профессор бўлиб 2012 йилга қадар мусиқа тарихи кафедрасида фаолият кўрсатди. Ўтган давр мобайнида у 80 дан ортиқ юқори малакали мусиқашуносларни тарбиялади.

В.З.Плунгян қуйидаги китоб ва мақолаларни ёзди: “Сулаймон Юдаков” (1979), “Проделки Майсары” (1992), “Тухтасин Гафурбеков” (ҳаммуаллиф) И.Г.Галушенко, 1997), Сулейман Юдаков в воспоминаниях современников. Штрихи к творческой биографии (Т., 2003), Педагогика – моя цивилизация (Педагогические записки историка и муз.критика) (Т., 2006), Соната моей жизни. (Т., 2009), Молодому поколению от историка музыки (Т., 2011) монографиялари, “Музыкальная критика в Узбекистане” (ҳаммуаллиф) (1984) очерки, “История музыки Средней Азии и Казахстана” том 1, ўқув қўлланмаси, “Музыкальная жизнь” 3, 4, 5 главы - соавтор (1995), сценарий телефильма “Один день в храме музыки” к 60 летию Ташгосконсерватории (1996),). Булардан ташқари турли тўпламларда, “Сов. Музыка” журналида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Правда Востока”, “Ўзбекистон ўқитувчиси”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми” каби газеталарда 100 дан ортиқ

мақолалар, интервьюлар эълон қилинди. Бир қатор радио-эшиттиришлар ўтказди.

Авазбек Маллабаев (1955). Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, Турон Фанлар Академияси Академиги, доцент, бастакор Маллабаев Авазбек Республикада ҳарбий ватанпарварлик мусиқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб этишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Маллабаев Авазбек Ғанижонович 1955 йилнинг 28 февралида Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида туғилди. 1972 - 1976 йилларда Т.Жалилов номидаги Андижон мусиқа билим юртининг хонандалик бўлимида, 1976–1982 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетида, 1982 – 1987 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти хор дирижёрлиги бўйича сиртқи бўлимда таълим олди.

Авазбек Маллабаевнинг ижодий фаолиятида ватанпарварлик руҳида яратилган, тантанали характерга эга бўлган асарлар муҳим ўрин тутади. Унинг ҳарбий оркестрлар, халқ чолғуси ва эстрада симфоник оркестрлари учун ҳарбий маршлари, қўшиқларида она Ватанни ҳимоя қилиш, кўз қорачиғидек асраш ва қадрлаш каби ёшларни тарбияловчи мавзулар муҳим ўрин эгаллайди. “Етти баҳодир марши”, “Она эл мадҳи”, “Ҳарбийлар қўшиғи”, “Нур чақнасин танангда”, “Шодиёна” сюитаси, “Ватандир бу” вокал-хореографик сюитаси, “Ватан биздадур”, “Азим диёрсан”, “Ўзбекистон офицерлари”, “Ватаним қудрати”, “Аскарнома”, “Гўзал ошиёним”, “Қорақалпоғистон - Ватаним менинг” каби қўшиқлари шулар жумласидан. Бастакор яратган сара қўшиқлар Мустақиллик, Наврўз, Конституция куни, Ватан ҳимоячилари куни каби давлат тадбирларида мунтазам янграб келмоқда. А.Маллабаевнинг қўшиқлари “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Мардлар қўриқлайди Ватанни” кўрик танловларида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Қорақалпоғистон ижодкорлари билан ҳамкорликда яратган ўнлаб қўшиқлари ва асарлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Олтин фонди”га ёзиб олинган бўлиб, кенг жамотчилик эътиборига ҳавола этилиб келинмоқда. А.Маллабаев педагог сифатида ёш авлодга мусиқа сирларини ўргатиб, касб малакаларини оширишларида яқиндам ёрдам бериб келмоқда. А.Маллабаев “Хонандалик” 1,2,3- жилдли, “Ўзбек халқ миллий чолғу оркестри”, “Дамли чолғу асбоблар оркестри” ўқув қўлланмалари муаллифидир.

А.Маллабаев кўп йиллар мобайнида Андижон давлат педагогика ва мусиқа билим юртида, Ўзбекистон давлат санъат институтида биринчи проректор, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Қуролли кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли раҳбари, олий тоифадаги хонандаси, бастакор, ҳарбий дирижёр сифатида фаолият олиб борган. 1999 йил

Қорақалпоғистон Жуқори Кенгашининг фахрий ёрлиғи ва 2000 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, 2002 йилда “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвонлари билан тақдирланган.

2.2. Мусиқа таълими йўналишаларида Андижон қўшикчилик ижодиётининг ўқитиш методикаси

Республикамизнинг педагогика соҳаси **“**5111100-Мусиқа таълими” таълим йўналишида тайёрлаётган кадрлар яъни, бўлажак “Мусиқа таълими” касби берилаётган мусиқа ўқитувчиси қуйидаги учта асосий йўналишни яъни “Мусиқа назарияси” “Чолғу ижрочилиги” “Хонандалик” маҳоратини мукаммал эгалласа, у тўлақонли ўқитувчилик фаолияти билан шуғуллана олади ҳамда “Мусиқа маданияти” фанини дастур асосида ўқитиш бўйича етарлича билимлдарни эгаллаган бўлади. Бунда албатта, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган кадрлар жойларда ўқитувчилик касби билан фаолиятини давом эттира олишида “Мусиқа назарияси” фанини “худди алфавитни кўриб, ўқиб, тушунгандай” нота ёзув ва унинг элементар назариясини чуқур ўрганиши, мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, альтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта – квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари, гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордлар имкониятларини, стилистик хусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил усуллари, мусиқа шаклининг энг муҳим асосларини, мусиқий шаклнинг муҳим элементларини, мусиқанинг асосий ривожлантириш принциплари, шаклнинг қисмлари функцияси, баён этиш турлари ва ҳар бир шаклнинг тузилиш қонун-қоидалари, бир ва икки овозлик куйларни соф интонациялаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини эшитиб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидаларини, мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордларни ечимларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини, берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенцияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равишда тузиш ва фортепианода чалиш, ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада турли хил тоналликларда тузиш ва ечиб бериш, аккордларни қўшишда қонун-қоидага биноан амал қилиш, берилган аккордлар белгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода ижро этиб бериш, мусиқий асар шаклининг қисмларни аниқлаш, унинг куй, гармония,

ритмларни ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш, мусиқа шаклида ривожлантириш принципларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятлар усулларини ажратиш, интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш, унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг лади, тоналлиги, образлар характерини аниқлаб таҳлил қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, гармоник кетма-кетликларни даврия шаклида чалиб бериш, оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш, берилган мусиқий асарда шаклнинг тури, баён тури, шаклдаги йирик белгиларнинг рақамли схемаси ҳар-бир асосий қисмнинг таҳлили ва уларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши, мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки қарама-қаршилиги, характери ва мазкур характерга эришиш воситаларидан фойдаланиш, сольфеджионинг назарий ва амалий аҳамияти, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, халқ ладлари, транспозиция, тонналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модулятция ва оғишма, куйни айрим элементлар ўзаро муносабатларини билиш каби малакаларини эгаллашлари шарт.

Республикадаги Педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида тайёрланаётган кадрлар мусиқа ва санъат соҳасида тайёрланаётган кадрлардан “Чолғу ижрочилиги”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий ва хонандалик”, “Мусиқа назарияси”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиш методикаси” фанларини мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси фортепиано (ёки ўзбек халқ чолғуларининг бири) ёрдамида дастур асосида ўрганилаётган асарни бемалол чолғуда чалиб, уни матнини куйлай олиши, дирижёрлик қилиб, болаларга ўргата олишмаса албатта синфга кириб дарс ўта олиши қийин. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари “Хор ва хоршунослик” ва “Дирижёрлик” фани доирасида хонанда ва дирижёр сифатида ҳам тўлиқ шаклланган бўлиши лозим.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари ижрочиликда ўзларининг мукаммаллиги, ҳар бир куйга оқилона ёндашиши билан ажралиб туради. Мукаммаллиги шундаки: ижро пайтида ўзини тутиши, ҳар бир штрих, ҳар бир зарб, ҳар бир парда ўз ўрнида бўлиши, ҳар бир куйга оқилона ёндашишини шундай изоҳлаш мумкин. Чолғучи маълум бир куйни ижро этишдан олдин яхшилаб ўрганиб чиқади, куйнинг мураккаб жиҳатлари, пардалари, тарихий келиб чиқиши, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндашади. Ҳаваскор ижрочилик эса аксинча, саҳнада ўзини тутиши, куйнинг баъзи жиҳатлари, унсурларини сезмай ташлаб кетиши, штрих ва зарбларини пойма-пой кетиши, чалаётган куйга хос бўлмаган пардаларини ижро этиши билан фарқланади.

Маълумки, Республика педагогика соҳасидаги олий таълим муассасалари мусиқа таълими йўналиши ўқув режасида “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” ҳамда “Анъанавий хонандадик” фанлари ўқитилади. Биз олиб бораётган тадқиқот мавзуси айнан анашу фанлар хусусиятига тўла мос келади.

2018-2019 ўқув йилида мавзу юзасидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мусиқий таълим” кафедраси “5111100-Мусиқа таълими” таълим йўналиши МТ-201, МТ-202, МТ-301-гуруҳларда тажриба синов ишларини олиб бордик (мазкур тажриба-синов ишлари кейинги бобда акс эттирилади). Албатта бунда Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳам ўз аҳамияти билан жуда катта рол ўйнайди. Мазкур мақом йўлларининг асосий қисми Андижон вилоятида мавжуд эканлиги билан ҳам жуда қадрлидир. Анжидон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида учрайдиган мақом айтимлари ранг-барнг ва хилма-хиллиги билан водийнинг бошқа вилоятларидан ажралиб туради. Бу худудда мазкур мақом йўлларида ижрочилик мактаблари шаклланланган. Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ижро этиладиган асарлар ўзининг сермазмун характери билан ҳамда сермахсуллиги билан ажралиб туради. Мумтоз мусиқани сақланиб келиши, ривожланиши ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келишида албатта устоз-шогирд анъанасининг ўрни ва аҳамияти катта айниқса, ўргатиш услубининг устознинг бу жараён шундай кечади: дастлаб устоз ижро этади, энг яхши ижрочиларни таъкидлаб, овозли ёзувларидан эшиттиради. Кейин нота мисолида куйни биргаликда таҳлил этади, ўқувчи-шогирдга уйга вазифа этиб куйни ёд олиш топширилади. Навбатдаги дарсда ўқувчи ўзи устоз ёрдамисиз ижро этади, тушунмаган жойларида тўхтаб, айрим жиҳатларини сўрайди. Устоз ўқувчининг ижросидаги камчиликларини тўғрилайди ва куйни мукаммал ижросини таъминлаш учун уйга вазифа этиб, куйни кўп бора чалиб мукаммаллаштириш топширилади. Бу жараён куйни катта ёки кичиклиги, мураккаб ва соддалигига ҳам боғлиқ. Бир ёки икки дарсда маълум бир куйни ўрганиши қийин.

Устоз санъаткор Ўзбекистон халқ артисти, буюк ҳизматлари ордени нишондори Турғун Алиматов айтганларидек: “Бир куйни ўрганиш учун кўп вақт кетмайди, аммо уни чалиш учун, тайёр ижод маҳсулига келтириш учун йиллар керак бўлади”. Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар борасида шундай бир ибора бор: “Таълим берган устозингдан айрилма”. Бу дегани анъанавий ижрочилик борасида, уни ривожлантириш, ўрганишда ўзимизни маҳаллий услубларга тенг келадигани бутун дунёда топилмаса керак. Миллий санъатимизни барча жабҳаларини қайта тиклаш, ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзимизни маҳаллий услуб, яъни миллий ижрочилик

мактаблари устоз-шогирд анъанасига таянган бўлиб, миллий мусиқамизда шундай бир унсурлар борки, буни фақат устознинг ижроларидан, доно фикрларидан шогирд баҳраманд бўлмаса, миллий ижрочилик мактабларига хос ижро йўқолиб кетади. Бизни миллатимизга хос анъана ҳам айнан шунда.

Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублари шундай: анъанавий услубда шогирд устозни ёнида юриб, ижроларидан баҳраманд бўлиб, устознинг илхоми келган пайтда куйларни ижросини биргаликда машқ натижасида ўрганилади. Бу услубнинг унумдорлиги ҳам шунда.

Замонавий устоз-шогирд услуби эса устоз ишга келади, унинг кайфияти, ишга лаёқатига ҳеч ким эътибор бермайди. Ўқувчи-шогирд дарсга келиши билан бир соат давомида дарс ўтишга мажбур, чунки бу ўқувчини бу дарсдан кейин бошқа дарси бўлиши мумкин, устоз шогирдини узоқ ушлаб ўтира олмайди. Аммо устоз кайфияти чоғ бўлса, илхоми жўш уриб турган бўлса шогирдининг бахти. У шогирд устозни мукаммал ижрочидан, ноёб маслаҳатларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Репертуар танлаш ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари борасида ҳар бир созанда ўқувчи яккама-якка устоз билан машқ қилиши лозим. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилиятини устоз созанда дарров пайқаб, ички ҳиссиётидан келиб чиқиб ижро дастурини танлаши керак. Ўқувчининг характерига мос, қобилиятига хос куй танланса ўқувчи ижро мукаммал бўлишига эришилади. Агар ўқувчининг қобилияти зўр бўлиб, берилган куй унинг характерига мос келмаса ёки куй руҳиятига мос келиб, бу куйни чалиш учун қобилияти ўртачароқ бўлса ҳам ижро мукаммал бўлмайди.

2.3. Андижон қўшикчилик ижодиётини ўқитиш бўйича методик тавсиялар

Мусиқа таълимининг бошқа, асосан аниқ фанлардан фарқи шундаки, унда мусиқий-назарий билимлардан кўра, кўпроқ амалий ижро етакчили қилади. Буни махсус мусиқа таълими олмасдан, ҳаваскорлик доирасидаги фаолияти туфайли эл назарига тушган ёрқин хонандалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аммо мусиқа касбини эгаллаб олиш учун ҳозирги даврда унинг яратилиш қонунияти, шакли, мазмуни, жанри, ёзуви, ижро воситалари, турлари ва услуби ҳақидаги билим, кўникма ва тажрибаларга эга бўлиш зарур.

Мусиқада таълими тизимида асосан вокал (айтим) ва чолғу йўналишларини мукаммал эгаллаш талаб этилади. Чолғу кўпинча анъанавий хонандадик, эстарада ва вокал мусиқасига жўр бўлиши билан бирга, алоҳида соф чолғу мусиқа асари сифатида ҳам кўринади. Хонандалик мусиқасининг

айрим “акапелла”, “катта ашула” каби намуналари ҳам борки, улар чолғу жўрлигисиз ижро этилади. Ҳар қандай мусиқа асарининг муваффақияти эса, асосан яратувчи, ижрочи ва тингловчининг етуклик даражасига боғлиқ.

Буларнинг ҳаммаларини дастлаб умумий, кейинчалик касбга интилганларини махсус мусиқа таълим муассасаларида таълим ва тарбия олишларини назарда тутадиган бўлсак, узлуксиз мусиқа таълими тизимида узвийликни таъминлаш орқали соҳа сифати ва самарадорлигини оширишнг муҳим аҳамияти яққол кўриниб қолади.

Мусиқа таълимида хонандалик ва чолғу ижрочилиги йўналишлари мактабгача тарбия муассасасидан бошлаб, ОТМнинг магистратура босқичигача давом этади. Бу шартли 6 босқичнинг ҳар бирида ўқувчи-ёшларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият турларининг мақсади, мазмуни, зарурий билим ва кўникмалар, техник ва бадиий репертуар ҳамд ижрони баҳолаш мезонлари танланади. Ҳар бир навбатдаги босқичда фаолиятнинг янги қирралари очилиб, ривожланиб бориши зарур. Масалан, чолғу таълими талаблари бўйича мусиқа мактабидан бошлаб ОТМнинг магистратура босқичигача чолғуда турли мураккабликдаги ўзбек, чет эл композиторлари асарлари ва миллий мусиқий мерос намуналари ижро этилади. Аслида, мантиқан ўрта махсус ва ОТМларга ўқишга кирган талабалар мусиқа мактабини тугатган бўлиши ўқув дастурларида берилган вазифаларни ўзлаштиришида катта ёрдам беради.

Маълумки Олий таълим муассасаларининг педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналиши ўқув режасида “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” фанида халқ мусиқа анъаналаридан назарий ва амалий билимлар берилади. Дастурга мувофиқ Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти намуналаридан асарлар ўрганиш ва реал таълим жараёни таҳлили асосида хонандалик ҳамда чолғу ижрочилиги фаолиятини қисқа тавсифладик.

1.Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодида аҳоли ҳаёт фаолиятида қўлланиб келинаётган чолғулар овозини эшитиш, уларни кўриш, расмларни кўриш, уларни товушини бир-биридан фарқ қилишни тасаввур қилиш, улардан товуш чиқариш, ўйинчоқ чолғуларда чалиш, имитация қилиш.

2.Дарс машғулотларида Андижон вилоятида кенг қўлланилиб келинаётган тор, дутор, рубоб, ғижжак, танбур, аккардион, ноғора, карнай, сурнай, чанг ва бошқа шу каби чолғулари чалиш ва энг муҳими мазкур чолғулар ижросида Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида урф бўлган хонандалик асарларини ўрганиш, унинг мусиқий лад, парда ва куй-оҳангини бошқа локал (маҳаллий) мусиқа услубидаги асарларни билан ўзаро боғлиқлик жиҳатларини кўриб чиқиш.

3.Олий таълим муассасалари педагогика соҳаси мусиқа таълим йўналиши талабаларининг Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида мавжуд халқ мусиқаси анъаналари намуналари билан яқиндан танишиш, уларни ўрганиш, соф интонация, штрихларни ўрганиш, куйларини чалиш, ижро кўникмаларини ўзлаштириш, нисбатан мураккаб асарлар ижро этиш.

4.Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини узлуксиз таълим тизими ўқувчи-ёшларини Андижон мусиқа ижодиётини ўрганиш, ансамбл бўлиб биргаликда ижро этиш кўникмаларини шакллантириш, ижро вақтидаги камчиликларни тузатиш, турли хонандалик жанрлари асарларининг мусиқасини чалиш, асарлар шакли, жанри ва тавсифини аниқлаш ҳамда нотага қараб чала олиш кўникмасини шакллантириш.

5.Олий мусиқий таълимда (касбий шаклланиш): - чолғуни тўлиқ ўзлаштириш, турли тоналликларда гамма, этюд ва йирик шаклдаги, турли тавсиф ва фактурадаги асарлар чала олиш, асарлар таҳлили, динамикаси, позициялар, транспозицияда чалиш, концертларда ижро этиш.

6.Олий таълим муассасалари мусиқий таълим тизимида таҳсил олаётган бўлажак мусиқа фани тўқитувчилари учун тайёрланган хонандалик ва чолғи асарларини ижро этиш кўникмасини шакллантириш ҳамда уларнинг шеърий матни ва куй-оҳангини ўзига хос ажралиб турувчи жиҳатларини аниқлаш, бакалавриат босқичи талабалари учун Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчлик ижодиёти намуналаридан репертуар шакллантириш, репертуар, дастурини тайёрлашда соҳага оид адабиётлар таҳлилини олиб бориш, чолғу ва ансамбл, оркестр билан ишлаш, чолғуларда чалиш методикасини ўрганиш.

ОТМлари педагогика соҳасида тайёрланаётган мусиқий таълим кадрларини Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти таълим тизимидаги узвийлик таъминланади. Биринчидан, айнан ушбу мақсаднинг қўйилишига мустақил мамлакатимизда моддий-маънавий асосларнинг етарли эканлиги, иккинчидан, юртимизда олиб борилаётган ишларнинг барчаси бир олий ниятга етишга йўналтирилган, учинчидан, заҳирада моддий-маънавий бойликларнинг салмоғи ётади. Бизлар бу ғоялардан келиб чиқиб ўз шогирдларимизга мустақилликни улуғ неъмат билишлари зарурлигини, уни асраб-авайлаш лозимлигини уқтирмоғимиз керак. Токи, уларнинг қалбида “Шу Азиз Ватан барчамизники” деган ватанпарварлик туйғуси мустаҳкам жой олсин. Илм Тадбир ва мусиқанинг мутаносиблиги дадил айтадиган фаол жамият аъзоси бўлишга интилиш уларнинг “Буюк келажак сари” умумхалқ ҳаракатидаги асосий омиллари эканлигини қудратли кучни, ҳаққоний, эркин, ҳурфикрли муҳит қурилаётганини ҳар бир ёш тушуниб етмоғи ҳамда ўзлари ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Мана шу вазифалар ҳам бизнинг ўзбек фарзандларининг бурчига, миллий менталитет талабларини тўғри йўлга

солаётганидан дарак беради. Республикамизнинг турли худудларида истиқомат қилаётган ҳар бир аҳолиси ўзининг миллий анъаларига асосланган тарихий маданияти ва турмуш тарзига эга. Худди шундай Андижон вилояти аҳолиси ҳам бундан мустасно эмас. Профессор-ўқитувчилар таълим ва тарбия жараёнида миллий анъаналарга таяниб, буюк аждодларимиз меросидан фойдаланиб ўқув жараёнини олиб боришлари лозим. Анъана халқимизнинг асрлар оша тўплагна миллий бойлиги билан шунингдек, унинг янги шароитда янги мазмун билан бойитилиши, янгидан-янги анъаналарнинг вужудга келиши билан қимматли ва ҳаётбахшдир. Азал-азалдан меҳнат соҳасида яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб, умрбоқий бўлиб қолган милиий анъаларни ўрганиш ва тахлил қилишни, халқ донолиги мағзини чақиш, тажриба орттириш, ақлий камолотга етиш деб уқтириб келинган. Бундай анъаналарни ўтказиладиган синфдан ташқари мусиқий-тарбиявий тадбирларни барчасида амалга ошириш лозимлигини айтиб ўтмоқчиман. Зеро, тарбия борасида бундай анъаналарни ўрганиш ва таҳлил қилишни амалга ошириш, миллий ҳусусиятини билиш халқнинг маънавий гўзаллигини билишдир. Айнан мустақиллик байрамини нишонлаш жараёнида ҳам ўзбек миллатига мансуб бўлган қадимий қўшиқларни замонавий усулда куйлаш ёки қадимий фольклор қўшиқлари сўзларини ҳозирги мустақилликни улуғловчи ғояларни матх этувчи мусиқа асарлари пйдо бўлди. Худди шундай Андижон вилояти чиқишларида воҳанинг асл мусиқаси бўлган, шунингдек, Андижонни мадҳ этувчи, унинг аҳолиси, миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларин ўзида мужассам этган мусиқа асарлари ижро этилди. Масалан, қуйидаги қўшиқнинг оҳанги ҳам қадимий усулда бўлиб, сўзлари ўзгартирилган ҳамда ушбу қўшиқ мустақилликнинг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанада куйланган:

Боғлар юртин боласимиз,
Меҳнатсевар-ей,меҳнатсевар-ей.
Боғ кўпайсин,бол кўпайсин,
Бизнинг шиор-ей,бизнинг шиор-ей.

Она- Ватан қучоғида,
Билим олиб-ей, билим олиб-ей.
Боғбонлик ҳам гулкорликни,
Билиб олиб-ей, билиб олиб-ей.

Одатда ҳар бир мусиқа ўқитувчилари у қандай қўшиқ бўлишидан қатъий назар талаба-ёшларни меҳнатсевар, виждонли, чидамли, ақлли, хушчақчақ, дилкаш қилиб тарбиялашлари, кичиклар ҳақида қайғуришни, ёмонликка нафрат билан қарашни ўргатишлари маълум. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини касбий жиҳатдан тарбиялашда ва айниқса, узлуксиз таълим тизимида мусиқа фаолияти билан шуғулланишларида ўқувчи-ёшларга Андижон вилояти

мусиқа анъаналарини ўргатиш билан бирга жараёнда ўқувчида сезгирликни, идрок эта билишликни тарбиялайди. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчилар биринчи синфга қабул қилингандан бошлаб, уларнинг қайси мусиқа асбобига қизиқаётгани, уни чалишни уддалаётганидан уларнинг лаёқатларини сезиб олишимиз мумкин, бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

-Андижон мусиқа анъаналари оҳанг, усул, суръат ва ифодалилик хусусиятларини билиш;

- товушнинг кучи, чўзилиш жиҳатлари, куйнинг йўналиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;
- мусиқий асарни равон ва ёқимли этиб ижро этиш малакасини эгаллаш;
- унинг тузилиши, мазмуни, кайфияти, характери хушсоз ва хушоҳанг жиҳатларини идрок эта билиш;
- мусиқий лаёқат ва уларни аниқлаш мезонларини билиш;
- соф куйлаш ва диққат билан тинглаш лаёқати;
- асарларни таҳлил қилаш ва шахсий муносабат билдира олиш;

Тарбия жараёнида юртни эъзозлаш, Ватанга бўлган муносабатни ошириш Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа анъаналаридаги анъанавий қўшиқлар орқали кўпроқ намоён бўлади. Инсон учун она каби муқаддас ва мўътабар эканлигини, инсонда битта она бўлганидек, Ватан ҳам ягоналигини бизлар ана шундай қўшиқлар орқали уқиб оламиз. Янги ўсиб келаётган шахснинг анъанавий қўшиқлар хақидаги тушунчасини мустаҳкамлашда барча таълим мутассадилари қатори мусиқа ўқитувчилари ҳам жонбозлик кўрсатишлари зарур.

III-БОБ. ТАДҚИҚОТ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ВА УНИНГ АМЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

3.1. Тажриба-синов ишлари ва уни ташкил этиш методикаси

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепциясининг қабул қилиниши муҳим маданий-маърифий аҳамиятга молик масалалардан биридир. Мазкур ҳужжатда Республика халқ маорифи тизимида мусиқа таълим-тарбияси ишининг ривожлантириш истиқболлари, мусиқа маданияти фанини ўқитишни сифатли босқичга кўтариш, мусиқа таълими мақсад вазифалари асосида маърифий-мусиқий ишларни ташкил этиш, мусиқа ўқитувчиси касбий тайёргарлиги ишларини янада такомиллаштириш хусусидаги истиқбол йўналишлар баён этиб берилган. Бугунги кунда мусиқа маданияти фани ўқитувччилари, шу соҳа бўйича тайёрланаётган бўлғуси мутахассислар албатта, Республикада мусиқа

таълим-тарбиясининг янги Концепциясини қунт билан ўрганиб, унда изоҳланган бобларнинг моҳиятини чуқур тушуниб, идрок этиб, ўзларининг педагогик фаолиятларида тадбиқ этишлари лозим бўлсада, худди шунингдек, Ўзбекистон Ресупбликаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори Республикадаги педагогика соҳаси олий таълим муассасалари олдида жуда катта вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорининг 2018 йил 11 октябрдаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 512-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 507-у-сонли буйруғи кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан чуқур ўрганилди. Қолаверса, Ўзбекистон Ресупбликаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга тошрилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорининг мазмун моҳиятини ҳар бир ОТМ профессор-ўқитувчиси ва раҳбар ходимларининг долзарб вазифаси сифатида эътироф этиш бораисда университет ректорининг 2018 йил 26 июндаги, университет ўқув ишлари бўйича проректори Д.Эргашевнинг 2018 йил 29 июндаги, Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети деканининг 2018 йил 26 июндаги йиғилишларида муҳокама этилиб, унинг мазмун моҳиятини чуқур ўрганиш ва ҳар бир профессор ўқитувчиларга етказган ҳолда ижросини таъминлаш вазифалари юклатилган эди. Университети ректорининг 2018 йил 11 октябрдаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 512-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 507-у-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Ресупбликаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “ПҚ-3775-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 512-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш борасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга тошрилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” асосида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мусиқий таълим” кафедрасида таълим сифатини ошириш ва уларнинг университет ва ОТМ

тизимида хаётида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва факультет декани томонидан тасдиқланди. Ушбу йўл харитасида белгиланган вазифлар ижросини таъминлаш борасида доимий назорат ўрнатилган бўлиб, тегишли ишлар бажарилди ва яна бажарилиши давом этмоқда.

Мусиқа таълим-тарбиясининг мақсади–ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойликларини идрок эта оладиган, англайдиган ҳамда қадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир бўлажак мусиқа ўқувчисининг мусиқий иқтидорини ривожлантириб, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, мусиқадан зарурий билим, амалий малакалар доирасини таркиб топтириш, иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш, узлуксиз таълим тизими иштирокчиларининг мусиқа таълим-тарбияси тизимида олиб бориши лозим бўлган асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси изланувчан, АКТ воситаларидан фойдалана оладиган, болаларни эстетик тарбияга етакловчи, уларни қобилиятини кўра оладиган, психолог, болалардаги мусиқий қобилият ва кўникмаларни ривожлантириб, нафақат мусиқа тинглашни балки ҳиссиёт билан уни қабул этишни ва уларни ифодали ижро этиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Таълим ривожланишининг асосий хусусиятлари хозирги пайтда махсус билимлар, юқори касбий тайёргарлик ва инсоннинг умумий маданияти, унинг маънавий хислатлари иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мусиқа таълим-тарбиянинг

Узлуксиз таълим тизимида Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётидан фойдаланиш, ёш авлодни миллий меросимиз асосида тарбиялаш

Мусиқа таълим – тарбиясининг вазифалари

Ўқувчининг мусиқий иқтидорини ривожлантириб, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқни

Мусиқадан зарур билм, амалий малакалар доирасини таркиб

Иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар

Инсонлар маънавий қизиқишларининг кўп қирралиги, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, вазифаларини амалга оширишда маълум даражада қийинчиликлар туғдирмоқда. Бунинг асосий сабаби ўқишки, нафақат тарбиявий ишларни ташкил этиш маданиятига, балки уларнинг мазмуни, услуби ва шаклига ҳам талаблар ортади. Тарбия муаммолари ечимини ҳал этишга атрофлича ёндашиш заруратнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётни, маънавий муҳитни, иқтисодий муҳит билан ўзаро чуқур боғланиши ва тарбиявий фаолиятни ташкил этиш воситаларини, илмий асосланган услубларини тадбиқ этиш билан боғликдир.

Педагогик маҳорат - мусиқа ўқитувчиси касбий фаолиятининг асоси:

- Юксак маданиятли,
- Ўз касбига чексиз садоқат
- Илғор педагогик тафаккур эгаси бўлмоғи лозим

Айниқса мусиқа маданияти фани ўқитувчиси ихтисослигида зарур меъёр:

- чолғучилик,
- хонандалик,
- мусиқа назариётчилиги сифатлари мужассам бўлмоғи лозим. Хозирги мусиқа ўқитувчиси илмий тафаккур эгаси, илғор тажрибалар шайдоси, изланиувчан ва ижодкор бўлиб, мусиқа ўқитишнинг янги шакл ва усулларини кашф этишга интилмоғи лозим. У мусиқа таълим тарбияси мазмунини бошқа фанлар мазмуни ва кундалик хаёт билан боғлаб, бўйитиб олиб бориши даркор.

Изланувчан ва ижодкор ўқитувчининг илғор тажрибаси ва кашф этган янги усуллари мактабдаги мусиқа таълим-тарбиясини доимий равшда такомиллаштириб ривожлантиришнинг асосий таянчи ва илхом манбайидир. Билимдон ва тажрибакор мусиқа ўқитувчиси санъат зиёлиси сифатида мактабда мусиқий-маърифий ишларнинг сардоридир. Ижтимоий ривожланиш моҳияти ва мусиқа санъати қонуниятларини англаш; Турли шаклда оммавий тарғибот ва маданий, мусиқий – маърифий ишларни олиб бориш малакаси. Аҳлоқий – анънавий тарбия методикасини билиш ва эстетик шакллантириш. Бадий тарбия амалиётида уни тадбиқ эта билиш.

3.2. Тажриба-синов ишларининг ташкил этиш тахлили

Талаба-ёшларнинг ақлий, эстетик ва жисмоний ривожланишида мусиқий тарбиянинг ўрни ва роли жуда катта. Маълумки узлуксиз таълим тизимида мусиқий фаолият турлари, ўқувчининг ҳар томонлама ўсишиига катта ёрдам беради. Умумтаълим таълим муассасаларида мусиқий ритмик ҳаракатлар ўқувчиларга турли характердаги мусиқа оҳангига мос ҳолда ҳаракатланишига, кичик гурух, якка ҳолда, жуфт-жуфт бўлиб, жамоа билан ҳамоҳанг ҳаракат қилган ҳолда Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчили ижодиётида учрайдиган маълум вазият ва шароит билан чегараланган куй-қўшиқларларни ўрганишда оилавий маросим айтимларини ташкил ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Куйлаш жараёнида рақсга тушиш ўқувчиларда нафисликни, гўзалликни, ифодали ҳаракатларни қарор топтириб, ижодий қобилиятини тарбиялайди.

Қўшикда ҳар бир мисрадан сўнг нақорат сўз ва шунингдек ҳар бир навбатдаги банддан (ёки унинг ярмидан) кейин келадиган нақоратларни ҳам жуда кўп учратиш мумкин. Қўшиқ мусиқали поетик асосларининг кўпгина



белгилари лапар учун ҳам (гарчи у нақоратсиз бўлсада характерлидир.



Лапар – рақсбоп куйга эга бўлиб, қўпинча ўйин рақс билан ижро этилади. Лапарни, одатда икки қўшиқчи ўйин-рақс билан ижро этади. Унинг матнлари асосан ишқий-лирик ёки дидактик, юмористик, ҳазил шеърлардан ташкил топади.

Бунга мисол сифатида йигит ва қиз ўртасидаги диалог бир хил куйнинг такрорланишида ижро этилади. Диалог матни турлича куйга асосланган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда текстнинг иккинчи (жавоб) банди

қўшиқнинг биринчи (ва хар бир кейинги) - савол бандидаги оҳангни ривожлантирувчи куй тузилмасига мос келади. Шунингдек Андижонда рақс жўрлигида якка ижрочи томонидан айтилаган айтимлар ялла дейилади. Гарчи мазмунан бир хил бўлсада икки тури қўшиқдан, ўз куйининг рақсбоплиги билан фарқланади.

Унисон хор билан ижро этиш – яллада ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Одатда ялла ҳам рақс жўрлигида ижро этилиб, икки ҳил бўлади:



Навбатдаги жанр сифатида ашула имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

Ашула ўз куйининг чўзиқ ҳамда ривожланганлиги, диапазонинг кенглиги, ритмининг (усули) сезиларли даражада синкопалиги билан характерланади. Ашула асосини нафақат бармоқ вазни, балки профессионал поезияга хос аруз вазнидаги шеърлар ҳам ташкил этади. Одатда ашула куйи шеърий матнни қамраб олади. Фалсафий маънодаги фикрга эга бўлган, шунингдек, соғинч алам ва хасратни ифодаловчи ишқий лирик мазмун кўпрок ашула тематикасига хосдир.

Ривожланган ашула намуналари эса оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа таркибига киради. Бунга ашула жанрининг яна бир бошқа тури - катта ашула ёки патнусаки ашулага ҳам тегишлидир.

Катта ашула ўз куйининг декламатцион характердалиги, диапазонининг кенглиги (уч октавага якин) асосий мелодик тузилманинг бадиха тарзида (импровизатция) унда ривожлантирилиши ҳамда ўз ритмик ўлчовининг муттасил бўлмаганлиги билан характерланади.

Ҳаё дўстлар биродарлар нигорим сўргани келдим

Хаё дўстлар биродарлар, нигорим сўргани келдима

Улуғ диёр остонига юзимни сургани келдим

Ўзбек халқининг мусиқа меросидаги мазкур жанр деярли Фарғона водийси учун характерли бўлиб, профессионал санъаткорлар икки ёки ундан ортиқ ҳамнафас ашулачи-хофизлар томонидан доира ёки бошқа чолғу асбоблар жўрлигисиз маълум анъанавий тартибда ижро этилади.



Юқорида таърифи келтирилган меросимиздаги мавжуд жанрлар қатори, қўшиқ ҳам маълум даражада катта кўламни белгилабгина қолмай, унинг асосий бўлаги миллий жиҳатларимизни ифода этади. Халқ оғзаки ижодиётида, мусиқа санъатида барча жанрларнинг тахлил этилиши улардаги узвий жиҳатларнинг муҳимилигини белгилайдики, улар умумий яхлит синтез жанр таркибида туркумли жанрлар каби талқин этишни талаб этади.

Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодида мавжуд мусиқа анъаналарини олий таълим муассасаларининг педагогика соҳаси мусиқа таълими таълим йўналишида ўқитиш тажриба синов ишлари.

Ишдан мақсад – Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижоди намукналаридан фойдаланиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажарилиши

Талаба тингловчиларни 2 гуруҳга бўлинади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.

Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиш – 2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (тақдимот) варағини тайёрлаш – 5 минут.

4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
“Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчили” таснифи нимани англатади?		
Андижон вилояти маълум вазият ва шароит билан чегарақланган куй-қўшиқлар ҳақида маълумот беринг.		
Андижон вилояти эркин мавзули куй-қўшгиқлар ҳақида нимани биласиз?		
Анъанавий хонандалик (ашула, катта ашула)		
Мақом ижрочилиги		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида мавжуд эркин мавзули қўшиқларни айтиб беринг		
Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида анъанавий хонандалик асарларидан намуналар куйлаб беринг		
Андижон вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиётида мақом асарларидан намуналар куйлаб беринг		

Гуруҳни баҳолаш жадвали

Гуруҳ-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

2-амалий машғулотни ташкил этиш

Ишдан мақсад – Таълим тизимида хорижий давлатларда Андижон вилоятида хоннадалик ва чолғу ижрочилиги мактаблари; хонандалик ва чолғу ижрочилиги санъатида артистик маҳорат ва саҳна маданиятини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Гуруҳ талабалари 2 гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет матераллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Талаба ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиш-2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	**Тушунча ва шарҳ**	**Изоҳ**
Андижон вилдоятида мавжуд хонандалик мактаблари ҳақида маълумот беринг?		
Андижон вилдоятида мавжуд чолғи ижрочилиги мактаблари ҳақида маълумот беринг?		
Мақом ижрочилиги ҳақида фикр билдиринг.		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Андижон вилдоятида мавжуд хонандалик мактаблари намоёндаларидан кимларни биласиз?		
Андижон вилдоятида мавжуд чолғи ижрочилиги мактаблари намаёндаларидан кимларни биласиз?		
Мақом ижрочилиги санъат усталари ҳақида фикр билдиринг.		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳ-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Талаба ёшларни мусиқий хотирага, эшитиш қобилиятига, ритмга ва ширали овозга эга бўлган кишилар қабул қилинади. Мусиқа эшитиш қобилияти яхши ривожланмаган, аммо ўртамиёна овозга эга бўлган кишиларни хорга қабул қилиш мумкин. Бундай кишилар хорда иштирок этишни, қўшиқ айтишни астойдил хоҳлайдилар ва улар билан яхши олиб борилса, аста-секин уларнинг эшитиш қобилияти ва овози ривожлана боради.

Шундай қилиб, талабаларга қўшиқ айтишни ўргатишга киришишдан олдин, албатта, дастлабки машғулотларда уларнинг овозларини синовдан ўтказиш зарур.

Бунда хонанда овозининг:

- ижрога мослаштириш;
- анъанавий хонандалик бўйича овоз созлаш машқларини қилиш;
- тембри;
- диапазони;
- чидамлилик даражаси аниқланади.

Шунингдек, хонанданинг тайёргарлиги:

- интонатциянинг тозалиги;
- мусиқий хотираси;
- нутқ;
- ритмни сезиш қобилияти;
- мусиқийлиги;
- нотани ўқий олиш каби муҳим томонларини текшириб кўриш фойдали ва мақсадга мувофиқдир.

Шу ҳам айтиш керакки, хонанданинг юқорида айтилган овоз хусусиятларини ва унинг умумий мусиқий қобилиятларини дарҳол аниқлаш жуда осон эмас. Хонандалик хусусиятларнинг асосийси айтимга қабул қилишдан олдин аниқлашни талаб қилса, ҳаваскор ижрочилик асрлари яъни, фольклор айтимларини айтиш талаб этилади.

Овозни текшириш ва аниқлаш учун ҳар хил усуллар ва машқлар қўлланилади. Масалан: ҳар бир ижрочиликнинг ўзига хос овоз созлаш машқлари тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги маслахатларни бериш тавсия этилади.

1. Мажор ва минор овозларини алоҳида-алоҳида айттириш.

2. Мажор ва минор гаммасининг товушларининг алоҳида-алоҳида айттириш.

Машқларни ўрта регистрлардан бошлаб, аввал юқоридан пастга, кейин пастдан юқорига хроматик тартибда овоз диапазонига қараб бажаришни таклиф қилади.

3. Икки ва уч товуш оралиғини хроматик тартибда куйлаш.

4.Ҳар хил интервалларни ёки куйнинг кичик-кичик бўлакларини фортепианода чалиб бери шва қайтариш.

Учинчи ва тўртинчи пунктларда хонанданинг интервалларини қанчалик соф талаффуз эта олиш кўникмасига эгалиги аниқланиши ўқтирилади. Шундан кейин нотани солфеджио қилиш қобилияти текширилиши, бунда мусиқа адабиётидан хонандалик асарининг бўлакчасини матни билан куйлаш орқали, хонанда овозининг ижрога мослиги аниқланади.

Индивидуал текшириш тугагач, бир жинсли овозларнинг бир нечтасини бирга қўшиб, ўрта регистрда, яхшиси, бир нотадан маълум бир бўғинни ёки бирор унли товушни чўзиш орқали, текшириш мумкин. Бу ҳолда ҳар хил тембрли овозлар яхши эшитилади. Секин-аста овоз партиясининг ичида бир овозли иккинчи овозга яқинлаштира бориб, овозларга деярли қўшиладиган группалар тузиш мумкин. Бу услуб ҳар бир хонандаги бир-бирини овозини эшита билиш имконини беради.

Ҳаваскорлик хорларида чиройли тембрли ва ўта катта диапозонли овозлар кам учрайди. Умуман ҳаваскорлик фолклор ижрочилигига қатнашишни хоҳловчилар озми-кўпми ўзларича ашула айтиб юрган ва айтишни хоҳловчи, лекин умуман ашула айтмаган кишилар бўлади. Бундай кишиларнинг овози ва мусиқий эшитиш қобилияти ҳали ривожланмаган бўлади. Талабалар билан ишлашдан аввал хонандаларнинг овози бор-йўқлигини индивидуал сифатларини ва мусиқий қобилиятини аниқлаш учун овознинг примар товушларидан, яъни зўриқмасдан, бемалол жарангловчи товушлардан бошлаши керак. Бунинг учун, яни хонандаларнинг

тортинмаслиги овозларини барала чиқаришига раҳбар ёрдам бериши уни қисқа вақтда бўлса ҳам тайёрлаши керак.

Бошланғич машғулотларида бутун жаоа билан уларга таниш ва яқин бўлган қўшиқлардан икки-учтасини бир овоздан айтиш мумкин: «Ялама ёрим», «Ёр-ёр» ва ҳокозо.

Машғулотларда хор қатнашувчилари бир-бирларига анча ўрганиб олишади. Шу даврда талабалар билан эркин суҳбатлашиш имконияти туғилади. Суҳбатда ансамбга биргаликда Андижон вилояти ўзбек халқ мусиқа ижрочилигига оид мусиқий асарларни куйлашлари мақсадларини, улар қандай ашулаларини ёқтиришларини, қандай мусиқалар уларга кўпроқ ёқишини, шу билан бирга, хор қатнашувчиларининг бадиий – мусиқий қизиқиш ва ҳоҳишларини билиб олади.

